



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ

«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Г.В.ХРУЛЬНОВА, Р.А.БАЗАРОВА,
Ш.Р.АЛЛАБЕРГЕНОВА, Г.А.РУЗИЕВА*

БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ШАФҚАТСИЗ МУНОСАБАТ: БЕЛГИЛАРИ, АНИҚЛАШ ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 377.8-048
КБК: 67.51
X 83

Г.В.Хрульнова, Р.А.Базарова, Ш.П.Аллабергенова, Г.А.Рузиева. Болаларга нисбатан шафқатсиз муносабат: белгилари, аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш усуллари. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 116 бет.

Мазкур қўлланмада маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари мутахассисларининг болалар билан шафқатсиз муомала ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва шу каби ҳолатларга таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини уюштириш учун маълумотлар тақдим этилган. Қўлланма патронаж ҳамширалар, тиббиёт ходимлари, психологлар ва ижтимоий иш ходимларига ҳам фойдали бўлади.

Қўлланмада асосий тушунчалар, боланинг шафқатсиз муомалага дучор қилинаётганини аниқлаш мумкин бўлган белгилар батафсил ёритилган. Оилада ва кўчада зўравонлик ҳолатларига реакция қилиш модели таклиф этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг ЖХБЛ-24 “Болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатларнинг ижтимоий, психологик ва педагогик таҳлили” мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.

Тақризчилар:

Муминова Л.Р. – *педагогика фанлари доктори, профессор;*

Реджабаева М.З. – *тиббиёт фанлари номзоди.*

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти илмий Кенгашининг 2021 йил 3 мартдаги 3-сон қарорига асосан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-7434-4-1

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

КИРИШ

Ўзбекистонда шафқатсиз муомала ҳолатларини олдини олишга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги 3827-сонли Қарорида вояга етмаганларга нисбатан шафқатсиз муомала ҳолатларини эрта аниқлаш ва уларга мажмуавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиб, “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, оилавий-маиший зўрлик ишлатилишининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сонли Қонунида ҳам вояга етмаганларни ҳимоялашга тааллуқли моддалари мавжуд.

Оммавий ахборот воситалари, айниқса, блогерлар, бефарқ бўлмаган фуқаролар ижтимоий тармоқларда аёллар, болалар, ҳайвонларга нисбатан зўравонлик фактларини мунтазам равишда ёрита бошладилар. Бироқ бундай ишлар одатда воқеа содир бўлиб ўтганидан кейин қилинади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ижтимоий тузилмалар шафқатсизлик содир этилгандан кейингина хабардор бўладилар ва натижада улар зўравонлик оқибатлари билан курашадилар.

Болаларни ҳимоялаш тизими бўғинларидан бири оилага бирмунча яқин ва ўз ваколатлари бўйича оиладаги вазиятни ўрганишлари мумкин бўлган, оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган болалар ҳамда

оилаларга ёрдам кўрсатадиган маҳалла фуқаролар йиғини мутахассислари ҳисобланади.

Ушбу қўлланмада маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассисларининг болалар билан шафқатсиз муомала ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва шу каби ҳолатларга таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини уюштириш учун маълумотлар тақдим этилган.

Шафқатсиз муомала ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва болага ёрдам кўрсатиш унинг саломатлиги ва ривожланишида салбий ҳолатларни камайтириш имконини беради, ижтимоий етимлик, вояга етмаганлар орасида девиант ахлоқ, суицидни профилактика қилишга кўмаклашади.

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОЛАЛАР БИЛАН ШАФҚАТСИЗ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

БМТ Бош котибининг топшириғига биноан болаларга нисбатан зўравонлик муаммоларини кенг қамровли тадқиқоти ўтказилди, тадқиқот натижалари Бош Ассамблеянинг 2006 йил 29 августидаги 61-сессиясига тақдим этилди. БМТ тадқиқотлари натижаларига кўра, **Болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш муаммоларини ҳал қилишда давлатларнинг фаол иштирок этишига тааллуқли кенг қамровли тавсиялари** ишлаб чиқилди ва давлатларга тавсия этилди:

1. Миллий ва маҳаллий даражада манфаатдорликни ошириш ва фаолиятни кенгайтириш.
2. Болаларга нисбатан зўравонликнинг барча турларини таъқиқлаш.
3. Профилактик чора-тадбирларга биринчи даражали эътибор бериш.
4. Зўравонликсиз кадриятларни тарғиб қилишга кўмаклашиш ва хабардорликни ошириш.
5. Реабилитация ва ижтимоий реинтеграция бўйича хизматларни тақдим этиш.
6. Болаларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш.
7. Болаларга енгил ва хайрихоҳ тарзда хабар берадиган механизмлар ва хизматларни яратиш.

8. Содир этилган ҳаракат учун жавобгарликка эришиш ва жазоланмай қолишни тугатиш.

9. Болаларга нисбатан зўравонликнинг гендер аспектлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

10. Маълумотлар тўплаш ва тадқиқотлар ўтказиш бўйича миллий механизмларни яратиш.

11. Халқаро даражада бу муаммоларни ҳал қилишдаги манфаатдорликни ошириш.

БМТнинг болалар ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган барча иштирокчи мамлакатларига ушбу стандартлар ва дастурларга амал қилиш мажбуриятини юклайди.

Кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, МДХ давлатларида ҳам зўравонликнинг ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам тарқалиш қамрови тўғрисида таскин бермайдиган хулосалар қилиш имконини берувчи кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилди. Шу тадқиқотлар асосида болаларга нисбатан шафқатсиз муомалани профилактика қилиш масалалари бўйича халқаро стандартлар ва услубий тавсиялар, мактабда ва оиладаги шафқатсиз муомалани профилактика қилиш дастурлари ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди.

Ўзбекистон ҳам БМТ нинг аъзо мамлакати бўлганлиги сабабли болаларни ҳимоя қилишга нисбатан барча қабул қилинган халқаро меъёрларга амал қилиши ва зўравонликка барҳам берувчи дастурларни ишлаб чиқиши зарур. Мамлакатда жиноятчиликни олдини олиш, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳаракатланишини такомиллаштириш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 2 июлда ишлаб чиқилган “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги давлат дастури дастлабки қадамлардан бўлди.

Болалар ва аёллар ўртасида суицидни профилактика қилиш, шафқатсиз муомалани олдини олиш бўйича қаратилган бошқа давлат дастурлари ҳам ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сон қарори, 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги 2221-сон қарори, 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сон қарори, 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4235-сон қарори, 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4185-сон қарори, 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қарорлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 21 октябридаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли ва 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонларини мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон 1992 йили Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши билан бола ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, ўсиб келаётган ёш-авлодманфаатларини таъминлашга ўзининг тарафдор эканини намоиш қилди. Ўзбекистон қонун ҳужжатларини БМТнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва унга факультатив протоколларга мувофиқлаштиришга интиломда.

Боланинг зўравонлик ҳимоя қилинишни киритганча ўз индивидуаллигини сақлашга бўлган асосий ҳуқуқи **Ўзбекистон Республикаси Конституциясида** акс эттирилган. Мамлакатнинг асосий Қонуни яшашга бўлган ҳуқуқ ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлигини эълон қилган. Унга суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга (25-модда). Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-модда). Ҳар ким меҳнат қилиш, эркин иш танлашга, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Суд

ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади (37-модда) ва бошқа моддалар.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексида болаларни ҳар хил турдаги тажовуздан ҳимояловчи бир неча моддалар киритилган. Чунончи кодекснинг 67-моддасида боланинг ҳимояланишга бўлган ҳуқуқи мавжудлиги кўрсатилган. Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бола ота-оналари (уларни ўрнини босувчи шахслар) томонидан суиистеъмоликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилганида, шу жумладан, ота-оналар (улардан бири) томонидан болани тарбиялаш, таълим бериш бўйича мажбуриятлари муносиб даражада бажарилмаганида ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлганидан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганлигидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айна пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида: боланинг ўз фикрини ифодалаш ҳуқуқи (68-модда); ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари (73-модда); болаларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (74-модда) ва бошқа моддалар ҳам ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги ўн тўрт ёшга тўлиши билан, қасддан қотиллик учун 13 ёшдан бошланиши ёзиб қўйилган, жиноят турлари ва жазолаш чоралари, шу жумладан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда), қасддан баданга оғир жароҳат етказиш (104-модда), қасддан баданга енгил жароҳат етказиш (109-модда), қийнаш (110-модда), номусга тегиш (118-модда), вояга етмаганларни боқишдан бош тортиш, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага киришиш, гиёҳванд моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг препаратларини истеъмол қилишга мойиллик, 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан бузуқ ҳаракатлар, туҳмат, ҳақоратлар ва бошқалар батафсил келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий жавобгарлик ўн олти ёшга тўлиши билан бошланиши айтилади. *14-моддада* вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги; *48-моддада* васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш; *49¹-моддада* вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш; *188-моддада* вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ва бошқалар учун жавобгарлик тайинланган. *47-моддада* эса ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир миқдоридан йигирма беш бара-

варигача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткага маъмурий қамаш чоралари кўрилиши акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунида боланинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг кафолатлари, боланинг ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари, болани ноқонуний кўчиришдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлари, боланинг ўз фикрини ифодалаш ҳуқуқини кафолатлари маълум қилинган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг йўналишларидан бири: боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймаслик; боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”**ги Қонунида вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик бўйича фаолиятнинг асосий вазифалари баён қилинган:

– вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқатворини шакллантириш;

– ижтимоий жихатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

– вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонунида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослашув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва бошқаларнинг асосий тушунчалари берилган. Ушбу ҳужжатда ҳуқуқбузарлик профилактикасининг асосий вазифалари ёзиб қўйилган. Ҳуқуқбузарликни профилактика қилиш соҳасида таълим ва таълим муассасаларининг давлат бошқаруви органлари ваколатлари; ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослашиш чораларини қўллаш; ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактика қилиш чоралари ва бошқалар батафсил ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябридаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сонли Қонунида жисмоний, психологик, иқтисодий ва жинсий зўравонлик тушунчалари ёзиб қўйилган. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўн саккиз ёшга тўлмаган ёки суд томонидан лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордерини ажратиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги 633-сонли Қонунида (янги таҳрирдаги) мажбурлаш – мажбурланаётган шахснинг иродасига қарши ёки ихтиёридан ташқарида қандайдир ҳаракатни содир этиш ёки уларни мажбурловчи шахс ёхуд бошқа шахс фойдасига уларни содир этишдан бош

тортишга ундаш мақсадида жисмоний, психологик, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уни қўллаш таҳдиди тушунчаси киритилди. Мазкур Қонунга вояга етмаганлар савдоси профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари; одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсни идентификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари; одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган вояга етмаган шахсни ҳимоя қилиш ва унга ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари каби моддаларни ўз ичига олган алоҳида 6-боб “Вояга етмаганлар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари” киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сонил қарорига илова **“Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида”**ги Низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ота-оналари уларни тарбиялаш ва боқишда иштирок этмаётган, болаларга нисбатан ота-оналик эътиборини намоён қилмаётган, болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортаётган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига етказиш лозимлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сон қарорига 2-илова: **“Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида”**ги Низомда таянч пунктларининг вазифалари ёритилган: айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишни уюш-

тириш, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабабларини, уларга кўмаклашувчи шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф қилиш; вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат руҳида, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашга, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизликдан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш; қонунбузарликлардан жабр кўрганларни ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлаш ва бошқалар.

Профилактика инспекторларининг ваколатлари, шу жумладан, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодисалар содир этилган жойда жабр кўрганларга, шунингдек, ҳимоясиз ҳолатдаги шахсларга биринчи тиббий ёки бошқа ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатишни уюштириш баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”**ги Низомида зўравонлик ва бепарво муомалага дучор бўлган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик органларининг қўйида кўрсатилган ваколатлари кўрсатилган:

– боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид пайдо бўлган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чораларини кўрадилар;

– ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил этиб тайинланадилар;

– белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этадилар, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиляётганда иштирок этадилар.

Ўзбекистон қуйидаги халқаро ҳужжатларни ратификация ҳам қилди: бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир болаларнинг қуролли низоларда иштирок этишига тааллуқли факультатив протокол, 2000 (ЎЗР 12.12.2008 й. қўшилган); бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол, 2000 (ЎЗР 11.12.2008 й. қўшилган); одам, айниқса, аёллар ва болаларни сотишни олдини олиш, тўхтатиш ва жазолаш тўғрисидаги Протокол (ЎЗР Президенти томонидан 2008 йил 8 апрелида имзоланган); халқаро Меҳнат Ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-сон (ЎЗР Президенти томонидан 2008 йил 4 апрелида имзоланган) ва Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар (ЎЗР Президенти томонидан 2008 йил 9 апрелида имзоланган) 182-сон Конвенциялари.

2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сон қароридан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) нинг ўринбосари лавозими – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этиш ва Котибият тузилмасида бола ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятига чекланган миқдор билан кўмаклашувчи бошқарув ходимларидан иборат сектор тузиш жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари таҳлили давлатимизнинг болалар ҳуқуқларини шафқатсиз муомаладан ҳимоялаш юзасидан зарурий чораларни қўллаётганлигини кўрсатди.

2. БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ТУШУНЧАСИ, ШАКЛЛАРИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Болалар аҳолининг, шубҳасиз, энг ҳимояланмаган ва заиф қисмидир, улар катталарга буткул қарамдирлар ва бунда айнан яқин қариндошлари, лоқайд қўшнилар ва бошқалардан етарлича тез-тез зўравонликнинг барча шаклларида зарар кўрадилар.

Бола билан шафқатсиз муомала¹ – бу атрофдаги шахслар томонидан вояга етмаганнинг жисмоний ва психик саломатлигига, унинг ривожланиши ва хотиржамлигига зарар етказувчи, шунингдек, унинг ҳуқуқлари ёки эркинлигини чекловчи ҳаракатларнинг бутун турли-туманлиги ёки ҳаракатсизлигидир. Болалар билан шафқатсиз муносабат нафақат жисмоний, жинсий ёки психик зўравонликда, балки тарбиянинг йўл қўйиб бўлмайдиган усуллари қўллаш, бола билан қўпол, илтифотсиз, инсонийлик нуфузини камситувчи муомала қилиш, вояга етмаганларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилиш, болаларни сотиш, бола иштирокида оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан зўравонликни қўллашда ҳам намоён қилиниши мумкин. **Болалар билан шафқатсиз муносабат шакллари: жисмоний, жинсий, психологик зўравонлик ва боланинг эҳтиёжларига бепарволик, эксплуатация.**

¹ Жестокое обращение с детьми и ответственность лиц, допускающих его. Материалы сайта <http://www.korenovsk.ru/zhestokoe-obrashhenie-s-detmi-i>. Дата обращения 12.12.2020г.

Зўравонлик бир неча параметрлар бўйича таснифланади:

- очиқ ёки яширин – ранжитувчининг хулқ-атвор стратегиясига боғлиқ равишда;

- ҳозир содир бўлувчи ёки ўтмишда содир бўлган;

- ягона ёки кўплаб, узоқ йиллар давом этувчи;

Зўравонлик содир бўлиш жойи ва муҳити бўйича:

уйда – қариндошлари томонидан;

мактабда – педагоглар ёки болалар томонидан;

кўчада – болалар ёки нотаниш катталар томонидан.

2.1. Жисмоний зўравонлик

Жисмоний зўравонлик – ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, тарбиячилар ёки бошқа қандайдир шахслар томонидан боланинг саломатлигига зарар етказувчи, унинг ривожланиши, жисмоний ва психик саломатлигини бузувчи танага оид турлича шикаст етказишидир. Бу ҳаракатлар уриш, қийнаш, силкитиш шаклида, зарб, тарсаки тушириш, қайноқ предметлар билан куйдириш, чекилган тамакини босиш, тишлаш кўринишида ва таҳқирлаш қуроли сифатида турли-туман предметлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Жисмоний зўравонлик болани гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликларни истеъмол қилдириш, унга заҳарловчи моддалар ёки “гангитадиган тиббий препаратлар” (масалан, шифокор томонидан тайинланмаган ухлатувчи дорилар) ни бериш, шунингдек, болани бўғиш ёки чўктиришга уринишни ҳам ўз ичига олади. Баъзи оилаларда интизом чоралари сифатида жисмоний жазонинг ҳар хил – гарданига мушт туширишдан камар билан

камчилашгача бўлган турларидан фойдаланади. Жисмоний зўравонлик – бу ҳақиқатан жисмоний тажовуз (қийнаш) эканини англаш зарур, у деярли ҳар доим оғзаки ҳақоратлар ва психик жароҳатлар билан бирга боради².

Болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик кўпинча:

- жисмоний жазолаш болаларни тарбиялаш усули ҳисобланишига ишонган;
- ота-оналари (ёки улардан бири) алкохол, гиёҳвандлик, токсик моддаларига тобелиқдан азоб чекадиганлар;
- ота-оналари (ёки улардан бири) психик касалликларга эга бўлган;
- эмоционал-психологик муҳит бузилган (тез-тез уруш-жанжаллар, бир бирига ҳурматнинг йўқлиги);
- ота-оналар яқинларининг ўлими, касаллик, ишини йўқотганлик, иқтисодий танглик ва шу кабилар билан боғлиқ тарзда стресс ҳолатида бўлган;
- ота-оналар болаларни уларнинг ёши ва ривожланиш даражасига мос келмайдиган ортиқ даражадаги талаблар қўядиган;
- болалар: соматик ёки психик касалликлар, гиперфаол, бир жойда ўтирмайдиган, вазнига етмай туғилган ва бошқа хусусиятларга эга бўлган **оилаларда содир бўлади.**

Болага нисбатан жисмоний зўравонлик қуйидагилардир:

- ўзига хос характерга эга бўладиан кўплаб (бармоқлар, тасма изи, тамаки куюклари) ва эскилиги

² Асанова Н.К. Руководство по предупреждению насилия над детьми./ Учебное издание для психологов, детских психиатров, психотерапевтов, студентов педагогических вузов. – М.: ВЛАДОС, 1997. 512 с.

жиҳатидан турли даражадаги (янги ва битаётган) шикастлар;

– жисмоний ривожланишда ортда қолиш (вазни ва бўйида орқада қолиш), нимжонлик (эмадиган болалар учун);

– ёмон парвариш белгилари (гигиеник жиҳатдан қаровсизлик, ифлос ташқи кўриниш, тошмалар).

Жисмоний зўравонликда шикастланиш характери:

– кўкарган, тимдаланган жой, яралар, тасма зарби, тишлашдан излар, юзи, тана, қўл-оёқларни қайноқ предметлар, суюқликлар, тамаки билан куйдириш;

– оёқ ва панжалар (қайноқ сувга солишдан), шунингдек, бўксанинг қўлқоп ёки пайпоқ кўринишида қайноқ суюқликлардан куйиши;

– жароҳатли характердаги суякларнинг зарарланиши ва синиши, бўғинларнинг шишганлиги ва дардчиллиги;

– уриб синдирилган ва лиқиллаб қолган тишлар, оғиз, лаблардаги ёрилишлар ва кесиклар;

– жароҳатли характердаги ички органларнинг зарарланиши;

– бошда – ретинал геморрагиялар (кўз соққасининг қонга тўлиши), соч тўкилган қисмлар, қонталаш жойлар.

Куйидагилар тасодифан характерда бўлмаган жароҳатларни кўрсатиши мумкин:

– ўзига хос характерга эга бўладиган кўплаб (бармоқлар, предметлар изи), эскилиги жиҳатидан турли даражадаги (янги ва битаётган) кўплаб жароҳатлар;

– катталар берадиган тушунтириш ва шикастланиш характерининг мос келмаслиги;

– шафқатсиз муомаланинг бошқа белгилари мавжудлиги ривожланишда орқада қолиш, санитар-гигиеник қаровсизлик);

– дам олиш ва байрам кунларидан кейин болада пайдо бўладиган жароҳатлар.

Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг тарбиявий таъсирни жисмоний чораларидан фойдаланишларини тахмин қилиш мумкин бўлган ахлоқини ўзига хос хусусиятлари:

– боладаги жароҳатларни тушунтиришдаги қарама-қарши, чалкаш сабаблар ва содир бўлганга аниқлик киритиш истаги;

– шикастланишда болани ўзини айблаш;

– тиббий ёрдам учун кеч мурожаат қилиш ёки мурожаат қилмаслик ёки ёрдам учун мурожаат бегона шахсдан чиқиши;

– бола билан муомалада эътиборсизлик, эмоционал кўмак ва эркаланишнинг йўқлиги;

– бола тақдири учун хавотирланишнинг йўқлиги;

– ходимларга нисбатан тажовузкорлик;

– боладаги жароҳат тўғрисида эмас, ўз муаммолари ҳақида кўпроқ гапирадилар;

– шикастнинг оғирлигига адекват бўлмаган реакциялар, унинг ортиши ёки камайишига интилиш;

– ўзларини болаликда қандай жазолаганликлари тўғрисидаги ҳикоялар;

– ахлоқдаги психик бузилишлар белгилари ёки феъл-атворда патологик чизиқларнинг намоён бўлиши (тажовузкорлик, қўзғалиш, ноадекватлик ва бошқалар).

Турли ёшдаги болаларнинг устидан жисмоний зўравонлик содир этилганини шубҳа қилишга имкон берувчи уларнинг ахлоқи ва ўзига хос психик ҳолати³:

³ Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы-составители: Матвиенко М.В., Ушкачёв П.А. –Псков, 2014. 101 с.

0-6 ойгача:

- кам ҳаракатчанлик;
- теваарак атрофга бефарқлик;
- ташқи рағбатларга реакциянинг йўқлиги ёки жуда заиф ифодаланган реакция;
- камдан-кам жилмайиш (уй ойликдан катта болалар учун).

6 ойдан – 1,5 ёшгача:

- ота-онасидан кўрқиш;
- катталар билан ҳар қандай жисмоний мулоқотдан чўчиш;
- доимий сабабсиз эҳтиёткорлик;
- йиғлоқилик, доимий ҳиқиллаб йиғлаш, одамовилик, қайғу.

1,5-3 ёш:

- катталардан чўчиш;
- жуда кам ҳолатда йиғлоқилик, қувончни намоён этиш;
- бошқа болаларнинг йиғисига кўрқув реакцияси;
- ахлоқдаги чегара – ниҳоятда тажовузкорликдан бефарқ қарашгача.

3 ёшдан – 6 ёшгача

- унга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлганларга қаршилик кўрсатмаслик;
- оғриққа пассив реакция;
- танбех, танқидга оғриқли муносабат;
- тилёглама ахлоқ, ўта кўнгилчан;
- сохта ёш ахлоқи (катталарга кучли тақлид);
- салбий муносабат, тажовузкорлик;
- алдамчилик, ўғрилик;
- ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик;
- ёндиришга мойиллик.

Кичик мактаб ёши:

- ўзининг жисмоний шикастланган жойи ва жароҳатлари сабабини яширишга интилиш;

- дўстларининг йўқлиги;
- мактабдан кейин уйга боришга қўрқиш;
- номақбул нарсаларни тановул қилишга ғайриоддий ишқибозлик – штуркатурка, гўнг, шиллик қурт, қўнғизчалар ва ҳ.к.

Ўсмирлик ёши:

- уйдан қочиб кетиш;
- суицидал (ўзини ўзи ўлдиришга) уринишлар;
- номақбул ахлоқ;
- спиртли ичимликлар, гиёҳванд, токсик моддалар истеъмол қилиш.

Жисмоний зўравонликни ҳис қилган бола шафқатсиз қилиқларни намойиш қилганча ахлоқнинг зўравонликка хос моделини ишлаб чиқади. Агар у ўз туйғуларини бостирса ёки рад этса, зўравонлик кризисининг оқибатлари ўз-ўзини парчаловчи ахлоқ (аутотажовузкорлик, суицид, руҳий тушкунлик ва ҳ.к.) да намоён бўлиши мумкин. Кўпинча бундай болалар ўзини назорат қила олмайди, ўз-ўзини ифодалашга қобилият пасайган бўлади, одамларга нисбатан ишонч йўқолади.

2.2. Жинсий зўравонлик

Жинсий зўравонлик⁴ – бу вояга етмаганни катта одам ёки бошқа бола томонидан жинсий лаззат ёки моддий фойда олиш мақсадида унинг розилиги билан ёки розилигисиз жинсий характердаги ҳаракатларга жалб қилишдан иборат шафқатсиз муомала туридир.

Жинсий зўравонлик жинсий алоқага киришиш (коитус), орал ва анал секс, ўзаро мастурбация (ўз-ўзидан лаззат олиш), жинсий органлар билан танага

⁴ Асанова Н.К. Руководство по предупреждению насилия над детьми: Учебное издание для психологов, детских психиатров, психотерапевтов, студентов педагогических вузов. – М.: ВЛАДОС, 1997. 512 с.

оид бошқа алоқаларни ўз ичига олади. Болани фоҳишабозликка, порнобизнесга жалб қилиш, боланинг олдида жинсий органлари ва думбасини яланғочлаш, бола шубҳа қилмаган вақтда: ечинаётганида, ҳожатхонада табиий эҳтиёжини қондираётганида мўралаб қараш ҳам жинсий бузилишга киради.

Боланинг жинсий алоқага киришга розилиги уни зўравонлик бўлмаган, деб ҳисоблашга асос бўлмайди, чунки бола:

- катталарга тобе бўлганча, ирода эркига эга эмас;
- функционал етилмаганлик оқибатида жинсий ҳаракатларнинг аҳамиятини англамаслиги мумкин;
- бу ҳаракатларнинг ўзи учун барча салбий оқибатларини тўла даражада кўра олиш ҳолатида бўлмайди.

Жинсий зўравонлик жиноят ҳисобланади ва жамиятнинг барча қатламларида, шу билан биргаликда, биз қабул қилишимиз мумкин бўлганидан кўра кўпроқ учрайди.

Кўпчилик ҳолатларда жинсий зўравонлик жинсий лаззат олиш мақсадида эмас, қурбон устидан ҳукмронлик ва назорат ўрнатиш ниятида содир этилади.

Қуйидагилар болага нисбатан жинсий зўравонлик мавжудлигининг бевосита белгиларига киради: генитал, анал ёки орал соҳалар, шу жумладан, қизлик пардаси бутунлигининг бузилиши, кўкрак, сон терисининг зарарланиши, ануснинг кенгайиши, кийимлари, териси, анал ва генитал соҳаларидаги сперма излари, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ҳомиладорлик, сийдик чиқарувчи йўлларнинг такрорий ёки сурункали инфекциялари, вазннинг кескин ўзгариши (йўқолиши ёки

қўшилиши), вагинал қон кетиши, психосоматик бузилишлар.

Болага нисбатан зўравонликнинг ўзига хос белгиларини ажратиш ва қайд қилиш унга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мақсадида фактларни таниб олиш учун катта аҳамиятга эга. Боланинг бошдан кечирган зўравонлик ҳақида тўғридан-тўғри айта олмаслигига кўплаб сабаблар мавжуд. Бу ҳолда яқин атрофдагиларда юзага келадиган шубҳалар қатор белгилар билан тасдиқланади.

Болага нисбатан эҳтимолий жинсий зўравонликни шубҳаланиши мумкин бўлган бола хулқ-атворининг хусусиятлари⁵:

– **3 ёшгача** бўлган болаларда зўравонлик оқибати қўрқув, туйғуларнинг чигаллашиб кетиши, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг йўқолиши, бегона одамлар олдидаги қўрқув орқали намоён бўлади.

– **мактабгача ёшдагиларда** психосоматик симптомлар камроқ даражада ифодаланади, биринчи навбатда ҳиссий бузилиш (қўрқоқлик, туйғуларнинг чигаллашиб кетиши, айбдорлик, уят, нафрат, ҳимоясизлик, ахлоқсизлик ҳисси) ва ахлоқнинг бузилиши (регресс, бегоналашув, тажовузкорлик, жинсийлашган ахлоқ, мастурбация (ўз-ўзидан лаззатланиш)) чиқади.

– **кичик мактаб ёшидаги болаларда** – катталарга нисбатан қарама-қарши (амбивалент) туйғулар, ролли ахлоқни аниқлашдаги мураккабликлар, қўрқув, уят, нафрат, оламга ишончсизлик ҳислари; ахлоқда бегонасираш, тажовузкорлик, сукут сақлаш ёхуд кутилмаган сергаплик, уйқу, иштаҳанинг бузилиши, бошқа болалар билан жинсий ўйинлар.

⁵ Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы-составители: Матвиенко М.В., Ушкачёв П.А. – Псков, 2014. 101 с.

– **9-13 ёшдаги болаларда** кичик мактаб ёшидаги болалардаги каби белгилар, шунингдек, рухий тушкунлик, диссоциатив эпизодлар – хиссиётларнинг йўқолиш туйғуси, ахлоқида – ажралиш, жинсий лаззат олиш мақсадида бошқа болаларни манипуляция қилиш, қарама-қарши хулқ-атвор кўзга ташланади.

– **13-18 ёшдаги ўсмирларда** зўравонлик оқибати нафрат, уят, айбдорлик, ишончсизлик туйғуларида, катталарга нисбатан амбивалент туйғуларда, жинсий бузилиш, ижтимоий ролларнинг шакланмаганлиги, шахсий кераксизлик туйғусида намоён бўлади. Ахлоқида тажовузкорлик, тана ва хиссий яқинликдан қочиш, мантиқсизлик ва зиддият кузатилади.

Агар зўравонлик тасодифан содир этилган бўлса, унда боланинг ҳолати бир неча босқичда ўтади.

1. Зўравонлик содир этилганидан кейинги биринчи кунда бола шок ҳолатида бўлади, у қаерда эканини, ўзи билан нималар содир бўлганини гарчи беихтиёр ундан нимани талаб қилишса, у нимага ўрганган бўлса бажараверса-да, тушунмайди. Кейин унга ўзининг нима қилганини эслаш мумкин бўлмайди, унинг туйғулари сустлашади. Баъзида шок ҳолати кейинги кун ҳам давом этади.

2. Кейин рад этиш босқичи бошланади, болада вазиятдан воз кечиш истаги кучаяди, ўзини бу воқеа у билан содир бўлмагандек ва “содир бўлганларнинг барчаси ёлғон” дея ишонтириш хоҳиши туғилади.

3. Учинчи-тўртинчи кун рухий тушкунлик пайдо бўлади. Бола яшашни, ҳеч нарса қилишни: мактабга бориш, дарс тайёрлаш, атрофдагилар билан мулоқот қилишни истамайди. Содир бўлганлар ҳақиқат эканини тан олишга тўғри келади. Рухий тушкунлик муддати ўн кунгача давом этади, баъзида узоқроқ муддатга чўзилиши мумкин.

4. Кейин болани зўравонга, ўзига, милицияга, ота-онасига, бошқа одамларга, жамиятга йўналтирилган газаб чулғаб олади.

5. Кейинги босқич – қарор қабул қилиш. Қарор турлича бўлиши мумкин – бола ўзи билан нималар содир бўлганини кимгадир айтиб бериши ёки сукут сақлаш ҳақида қарор қабул қилади. У кимгадир ёрдам сўраб мурожаат қилиши ёки оғир ҳолатидан қутулиши учун ниманидир мустақил бажариши мумкин.

Бу босқичнинг давомлилиги турлича, у боланинг ёшидан (кичик болаларда босқичларнинг ноаниқлиги кузатилади), унинг феъл-атворидаги хусусиятлар, юзага келган объектив вазиятга боғлиқ бўлиши мумкин.

Агар жинсий зўравонликни бошидан кечирган бола етарлича малакали ёрдам олмаса, бунда бошдан кечирган ҳолат бўйича жинсий ривожланишнинг бузилиши (гипержинсийлик ёки жинсий рағбатлардан саросимали қочиш), жинсий ролли идентификация (қизларнинг маскулинлиги ва ўғил болаларнинг феминлиги) ҳамда ахлоқдаги жинсий установакалар (масалан, тенгдошлари ёки ака-ука-опа-сингилларига нисбатан пассив-тажовузкор ахлоқ, жинсий ориентациянинг иккиламчи бузилиши) бўлади.

2.3. Психологик зўравонлик

Психологик зўравонлик (эмоционал зўравонлик, ғамхўрликнинг йўқлиги) – болани доимий равишда ёки вақти-вақти билан оғзаки ҳақоратлаш, ота-оналар, васийлар, ўқитувчилар, тарбиячилар томонидан таҳдидлар, уни камситиш, айбдор бўлмаган нарсада айблаш, болага меҳрсизликни, нафратни

намойиш қилиш. Зўравонликнинг бу турига доимий ёлғон, болани алдаш (натижада у катталарга ишончини йўқотади), шунингдек, болага унинг ёшига оид имкониятларига мувофиқ келмайдиган талабларни қўйиш киради⁶.

Болага нисбатан психик зўравонликнинг билвосита белгилари:

жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолиш;

асабийликлар; (қовоқ, кўз, лаб пирпираши)

энурез;

қайғули кўриниш;

турли соматик касалликлар (семириб кетиш, тана вазнини кескин йўқотиш, ошқозон яраси, тери касалликлари, аллергия патология).

Психологик зўравонлик мавжудлигидаги хулқ-атвор хусусиятларига қуйидагилар киради:

✦ безовталаниш ва хавотирлилик;

✦ уйқунинг бузилиши;

✦ узоқ муддат сақланиб турувчи маънос ҳолат;

✦ яккаланишга мойиллик;

✦ тажовузкорлик;

✦ ниҳоятда ёнбосиш, тилёғлама, хушомадгўй ахлоқ;

✦ ўз-ўзини ўлдиришга таҳдид ёки уриниш;

✦ мулоқот қила олмаслик, тенгдошлари ва бошқа одамлар билан муносабат ўрната олмаслик;

✦ ёмон ўзлаштириш;

✦ ўз-ўзини паст баҳолаш;

✦ иштаҳанинг бузилиши.

Катталарнинг болаларга нисбатан психик зўравонлигини шубҳа қилишга имкон берувчи ахлоқий хусусиятлари:

⁶ Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы-составители: Матвиенко М.В., Ушкачёв П.А. – Псков, 2014. 101 с.

- ◆ тинчлантиришга муҳтож боланинг уни тинчлантиришларини истамаслиги;
- ◆ ҳақоратлаши, сўкиши, болани айблаш ёки ошкора камситиши;
- ◆ унга нисбатан доимий юқори танқидий муносабати;
- ◆ болага салбий тавсифнома бериши;
- ◆ болани нафратланадиган ёки ёқтирмайдиган қариндошига ўхшатиши;
- ◆ катталарнинг омадсизлиги учун масъулиятни болага юклаши;
- ◆ болани ёқтирмаслиги ёки нафратини очиқ тан олиши.

2.4. Боланинг асосий эҳтиёжларига бепарволик

Боланинг асосий эҳтиёжларига бепарволик (маънавий шафқатсизлик) – ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан бола тўғрисида оддий ғамхўрликнинг йўқлиги натижасида унинг эмоционал ҳолати бузилади ва саломатлиги ёки ривожланишига хавф пайдо бўлади.

Бепарволик қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин: **озиқ-овқатга оид бепарволик** – болани озиқ-овқатдан маҳрум қилиш ёки тўйиб овқат емаслиги; **болани кийим-кечак билан таъминлашдаги бепарволик** – кийим-кечак ва/ёки, айниқса, йилнинг совуқ вақтида зарурий бўлган пойабзалнинг йўқлиги; **гигиенага бепарволик** – шахсий гигиенанинг умумий меъёрларига амал қилмаслик, турар-жойининг боланинг ҳаёти ёки саломатлигига таҳдид қилувчи санитария шароитларига зидлиги; **тиббий ёрдамга бепарволик** – боланинг ҳаётини, саломатлиги ва танага оид бутунликни ҳимоялаш учун зарурий тиббий

парваришнинг йўқлиги ёки бош тортилиши, тезкор ҳолатларда тиббиёт ходимларига мурожаат қилмаслик; *таълимга бепарволик* – болани таълим муассасасига тайинлашдан бош тортиш ва боланинг мактабга қатнамаслиги; *эмоционал бепарволик* – боланинг психологик-эмоционал муаммоларини инкор этиш; *назоратга бепарволик* – болани касалликка, жароҳатланишга, эксплуатация ёки боланинг ўлимига олиб келиши мумкин бўлган назоратсиз шароитлар ёки вазиятларга қўйиш ёки қолдириш⁷.

Болага нисбатан ғамхўрлик қилинмаётганлигининг белгилари:

- бўй ўсишдаги ортда қолиш, муносиб вазни тўпламаслик ёки вазн йўқотиш;
- бола ташлаб қўйилган, қаровсиз, муносиб кийим-кечак, турар-жойга эга эмас;
- профилактик эмлашлар календарига амал қилинмайди, тиш шифокорининг тезкор хизматига муҳтож, терининг ёмон гигиенаси, болаларнинг қаровсиз ҳолати (педикулез, дистрофия);
- мактабга қатнамайди, машғулотларни қолдиради ёки уларга жуда эрта келади ва мактабдан ниҳоятда кеч кетади;
- чарчайди, умидсиз, ахлоқда оғиш сезилади.

Бола ҳақида ғамхўрликнинг етишмаслиги жўрттага қилинган бўлиши мумкин. У касаллик, камбағаллик, тажрибасизлик ёки билимсизлик оқибати, табиий ҳалокатлар ва ижтимоий изтироблар оқибати бўлиши мумкин. Нафақат оиладаги болалар, балки давлат васийлигида бўлган болалар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилишлари мумкин.

⁷ Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы – составители: Матвиенко М.В., Ушкачёв П.А. – Псков, 2014. 101 с.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар 18 ёшга тўлмаган болага нисбатан ғамхўрликнинг энг кам даражасини етарлича амалга оширмаган бўлсалар, айнан эса:

- агар болага васийлик қилувчи катталар моддий жиҳатдан бунга қодир бўла туриб, боланинг озиқ-овқат, кийим-кечак, таълим, тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжларининг етарлича қондирмасалар;

- болани назорат ва васийлик билан тўлақонли таъминламасалар;

- зарар етказсалар ёки зарар етказишга, шунингдек, кучли танага оид жазолашни қўллашни киритган ҳолда бундай хатарнинг мавжудлигига йўл қўйсалар;

- болани гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддаларга ўргатсалар;

- болани шу даражада спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ўргатсаларки, унда бола ўз ҳаракатлари устидан назоратни йўқотса, ёмон муомалага дучор қилинган бола ҳисобланади.

Барча бу ва бошқа шунга ўхшаш ҳар қандай ҳаракатлар суд аралашувини талаб қилади.

Бола билан ёмон муомалада бўлиш ёки бепарволик оқибатлари: эрта ёшда – психологик-нутқий ва жисмоний ривожланишнинг ортда қолиши, ривожланиш қобилятини йўқолиши; ҳийла катта ёшда – жисмоний жароҳатлар, касалликлар, бахтсиз ҳодисалар оқибатидаги заҳарланиш бўлади.

2.5. Гендер зўравонлик

«Гендер зўравонлик» тушунчаси остида жинсий белги асосида содир этилган ҳар қандай зўравонлик акти тушунилади. Гендер камситишга қизлар каби ўғил болалар ҳам дучор қилинадилар. Гендер асосида камситиш кўпинча сезиларсиз ўтади ва

ҳар доим ҳам уни намоён этганлар томонидан таҳлил қилинмайди. Хуллас, эркак-ўқитувчилар кўп ҳолларда ўғил бола жинсидаги ўқувчиларга нисбатан интизомий мақсадда ўз ҳукмронликлари ва эркак обрўсини намоёниш қилганча жисмоний жазолашни қўллайдилар. Аёл-ўқитувчилар эса ўғил болаларни уларнинг қаршилик кўрсатиши, тажовузкорлиги ва аёллар томонидан устунликни қабул қилинмаслигидан чўчиганча бундай жазолаш турларидан қочадилар. Ўқитувчининг миллий-маданий стереотипига боғлиқ равишда дарсда ўғил болалар ва қизларга улардан бирларининг академик ютуқларини бошқаларникидан муҳимроқ деб ҳисоблаганча кўпроқ эътибор ажратишлари мумкин. Болалар-ўсмирлар муҳитида ўғил болаларга қизлардан устунлик тан олиниши мумкин⁸.

Гендер зўравонлик психологик, жисмоний ёки жинсий зўравонлик шаклини олиши мумкин, унинг асосида куч ва гендер стереотиплар ётади. Гендер асосда, шу жумладан, гендер тенглик ва инсоннинг жинсий ориентациясини қабул қилмаслик сабабига кўра амалга оширилувчи ҳар қандай зўравонликка оид ва камситувчи ҳаракатлар гендер зўравонлик кўринишлари ҳисобланади.

Гендер ва жинсий зўравонлик, айниқса, хотин-қизлар анъанавий тарзда бўйсунувчи ҳолатни эгаллаган жамиятда кўпинча қизлар ва аёлларга даҳл қилади. Эркаклар устунлигини мустаҳкамловчи ва шафқатсизликни сингдирувчи ижтимоий меъёрлар ўғил болаларда тажовузкор хулқ-атворни кўзгаши мумкин. Қизлар томонидан бўйсунуш ва итоатни кутганча ўғил болалар уларга нисбатан босим, мажбурлаш ва куч ишлатишни намоён қилишлари

⁸ Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы – составители: Матвиенко М.В., Ушкачёв П.А. – Псков, 2014. 101 с.

мумкин. Ўзларининг ботирликларини намойиш қилганча улар анча заиф, гендер меъёрларга мос келмайдиганларни, айниқса, гомосексуал ориентацияга эга каби идрок этиладиган ўғил болаларга тегажонлик қилишлари, камситишлари ҳамда жисмоний ва ҳатто жинсий зўравонликка дучор қилишлари мумкин.

2.6. Таъқиб қилиш турлари

Таъқиб қилиш – бу устунлик қилувчи гуруҳ (сардор) ва унинг гуруҳдаги қонунларига бўйсунушга ёки бу гуруҳдан чиқиб кетишга мажбурлаш мақсадидаги психологик ёки жисмоний зўравонликдир. Бу мақсадга эришиш воситалари: гап тарқатиш, чўчи-тиш, яккалаб қўйиш, ҳақоратлаш ва камситиш, жисмоний зўравонлик ҳисобланади⁹.

Таъқиб қилиш – айниқса, мактабларда кўпроқ тарқалган ҳодиса. Моббинг, буллинг, хейзинг, кибер-моббинг ва кибербуллинг – бу хавфли ҳодисанинг инглиз тилида номланишидаги турларидир.

Исталган мактабда, ҳар қандай синфда, бир томондан, ранжитишни, жиғига тегишни, уриш, бошқаларга лақаб қўйиш, улардан пул ва буюмларини олиб қўйишни ёқтирадиган, бошқа томондан – бошқаларга қараганда кўпроқ уларнинг қурбонлари бўладиган болалар бор. Одатда, бу болалар:

- жисмоний жиҳатдан заиф бўлганлар;
- ота-оналари томонидан ўта ғамхўрлик қилинадиганлар;

⁹ Глазырина Л.А., Костенко М.А., Лопуга Е.В. Предотвращение насилия в образовательных организациях. Информационно-методическое пособие для руководителей и педагогических работников образовательных организаций // 2-ое дополненное издание /Под ред. Т.А.Епояна. – Барнаул: Алтайский дом печати, 2017. 147 с.

- чақимчилар;
- уларни жамоадан ажратиб турувчи касалликлардан азоб чекувчилар;
- замонавий тараққиётнинг электрон янгиликларига эга бўлувчилар ёки бошқа болалар ололмайдиган улардан энг қимматига эга бўлганлар;
- вундеркиндлар;
- иккичилар;
- ўқитувчиларнинг эркатойлари.

Шу муносабат билан синфда ўқувчиларнинг куйидаги гуруҳлари шаклланиши мумкин: баъзилари таъқиб қилиш жараёнида тажовузкор ёки қурбон сифатида бевосита иштирок этадилар, бошқалари – кўпчилиги, ўз кўзи билан кўрувчи ва гувоҳлар сифатида иштирок этадилар.

Асосийси – ҳеч қачон бу менинг боламга даҳл қилмайди, деб айтиб бўлмайди, негаки бу ҳодисанинг сабаби баъзи болаларнинг бошқаларни камситишлари ҳисобига ўзларини қайсар табиат, аҳамиятлироқ деб ҳис қилишга уринишларида яширинган. Шунинг учун ота-оналар бу зўравонликни ўз вақтида пайқаш ва мактаб билан биргаликдаги ҳаракатлар билан олдини олишлари даркор, чунки ўқитувчиларда уларнинг ўта бандлиги ва психологик-ҳиссий жиҳатдан толиқиши билан болаларнинг жанжаллари ва низоларини ўз вақтида таҳлил қилиб, чора кўришга гоҳида кучлари етмайди.

Зўравонлик ҳаракатлари намоён бўлиш тури ва шаклидан қатъи назар бир марталик бўлиши ёки битта шахсга нисбатан мунтазам равишда такрорланиши мумкин. Мунтазам характерга эга бўлган зўравонлигини белгилаш учун ҳамда азобланаётганнинг ўзи ва атрофдагилар кўз ўнгида камситиш ва қадрсизлаш ҳисобига ҳукмронлик ва нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида «буллинг» ёки “таъқиб қилиш” атамасидан фойдаланади.

Буллинг (инглиз тилидаги bullying сўзидан олинган бўлиб, bully – урушқоқ, безори, жиғига тегувчи, кўрс, зўравон) – бу бир шахс томонидан ўзини ҳимоялай олмайдиган бошқа шахсга нисбатан юқорида баён қилинган зўравонлик ва таҳқирлашнинг ҳар хил турлари такрорланувчи актидир.

Буллинг қачонки жисмоний имкониятлари бир хил бўлган икки ўқувчи кўпинча баҳслашганида ёки курашганида, қачонки гижгижлаш дўстона ва ўйин шаклида амалга оширилганида содир бўлмайди. Буллинг ҳамиша жабрдийдага зарар етказиш, унда кўрқув уйғотиш, тушкунликка тушириш, камситиш, бўйсундириш мақсадини кўзлайди. Таълим муассасаларида буллинг тенгдошлар орасида учрайди ва кўпинча анча катта ёшдаги ўқувчилар томонидан кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан содир этилади. Ташкилот ходимлари ҳамкасблари ёки раҳбарият томонидан буллингга дучор қилинишлари мумкин. Буллинг оилада ҳам бўлиши мумкин.

Кўпинча буллинг – бу онгли режалаштирилган вақтда давом этувчи жисмоний ва (ёки) психологик зўравонлик бўлиб, унинг тўхтатилиши учинчи шахс – мактаб директори, ўқитувчилар, бошқа ходимлар, ўқувчилар, ота-оналар, баъзида эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг аралашувини талаб қилади.

Буллингнинг баъзи хусусиятларини ажратиш мумкин. Биринчидан, буллинг асимметрик – бир томонда жисмоний ва ёки психологик куч кўринишидаги ҳукмронликка эга бўлган дилозор, ранжитувчи туради, бошқа томонда – бундай кучга эга бўлмаган ҳамда учинчи шахсларнинг кўмаги ва ёрдамига муҳтож бўлган жабрланувчи туради. Иккинчидан, буллинг мақсад қилиб танланган инсонга жисмоний ва маънавий азоб етказишга йўналтирилган тарзда

қасддан амалга оширилади. Учинчидан, буллинг жабр кўрганда ўзига бўлган ишончга путур етказди, саломатлиги, ўз-ўзини ва инсоний қадр-қимматини ҳурматлашини парчалайди. Тўртинчидан, буллинг – бу нафақат дилозор ва жабрдийдага, балки зўравонлик гувоҳларига ҳам, у содир бўлаётган бутун синф (гуруҳ) га ҳам дахл қилувчи гуруҳли жараён. Бешинчидан, буллинг ҳаминша жабрдийдага зарар етказиш, унда қўрқув уйғотиш, тушкунликка тушириш, камситиш, бўйсундириш мақсадини кўзлайди.

Буллинг ҳеч қачон ўз-ўзидан тўхтамайди: ҳар доим жабрдийдага, буллинг ташаббускори (дилозор) га ва гувоҳларга ёрдам ва ҳимоя талаб қилинади.

Буллинг турлича намоён бўлади. Бир ҳолатда бу мунтазам равишдаги оғзаки ҳақоратлаш, лақаб қўйиш ёки шахсинг қандайдир хусусиятларини – ташқи кўриниши, гапириш, кийиниш, қадам ташлаш, мимика, шу жумладан, касаллик ёки ногиронлик (дудуқланиш, чўлоқланиш) билан чорланган имо-ишоралар ҳаракатларини масхаралашда намоён бўлади. Бошқа ҳолатда масхаралаш уриш, туртиш, буюмларини олиб қўйиш ёки бузиш, қадр-қимматини, масалан, қандайдир камситувчи ҳаракатларни бажариш ёки учинчи шахсга нисбатан зўравонлик актини содир этишга мажбурлаш орқали камситиш каби шаклларни қабул қилиши мумкин. Бу каби жисмоний ва оғзаки ҳаракатлар тўғридан-тўғри буллингни тавсифлайди. Бевосита буллинг камроқ яққол ҳаракатлар – манипулятив хулқ-атвор – ёлғон маълумотлар, туҳмат ва гап тарқатиш, одамни мулоқот доирасидан, ҳамкорликдаги машғулотдан, ўйиндан чиқариб ташлаш, четланиш, писанд қилмаслик, алоқани узиш орқали намоён қилинади.

Моббинг (инглизча: **mob** – оломон) – бу жамоада бир инсонни оммавий таъқиб этиши тарзидаги психологик зўравонлик шакли.

Мактабдаги моббинг – бу мактабда ҳиссий зўравонликнинг бир тури бўлиб, қачонки синф ёки синфдагиларнинг катта қисми битта ўқувчига қарши бирлашиб, қандайдир мақсадда унга зарар етказишни бошлайдилар (яққол намуна “Чучела” фильми). Зарар етказётганларни мобберлар, зарар кўраётганларни эса – “жабрдийдалар” деб атайдилар¹⁰.

Моббинг – бу бир одамнинг бошқа одамга қарши йўналтирилган мунтазам равишда такрорланувчи душманларча ва одобдан ташқари муносабатини ўз ичига олувчи ўзига хос «психологик террор»дир. Масалан, “янги одам”га қарши моббинг.

Моббинг шакллари: жисмоний камчиликлардан кулиш, яққолаш, инкор этиш, жиғига тегиш, туртиш, кийимларини масхаралаш ва ҳ.к.

Моббинг буллингдан нимаси билан фарқланади? Моҳияти бўйича моббинг ва буллинг ўхшаш тушунчалар – бу таъқиб қилиш. Айни вақтда буллинг моббингдан таъқиб этувчи ролида бутун синф эмас, балки обрўга эга бўлган аниқ ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳининг чиқиши билан фарқланади.

Буллинг турларидан бири – хейзинг. **Хейзинг** (ингл. *hazing*) – муайян гуруҳга киришда ва бу гуруҳ иерархиясини келгусида қўллаб-қувватлаш учун бажариладиган норасмий диний маросимга оид зўравонлик анъаналари.

Бунга ўхшаш анъаналар юқори даражада ёпиқ (ҳарбийлаштирилган, интернат) муассасалар учун хос, бироқ оддий мактаб ва касб-ҳунар ўқув юрт-

¹⁰ Школа без насилия. Методическое пособие / Под ред. Н.Ю. Синягиной, Т.Ю. Райфшнайдер. – М.: АНО «ЦНПРО», 2015. - 150 с.

ларида ҳам, айниқса, уларда бошқа шаҳардан келган ўқувчилар учун ётоқхона мавжуд бўлганида учраб туради. Синфдошлари ёки анча катта синфдаги ўқувчилар янги келганларга кадр-қимматни камситувчи ҳаракатлар (ошкора равишда яланғоч ўтиш, ўзини устидан ювиндини қуйишга қўйиб бериш, полни тиш чўткаси билан ювиш ва бошқалар) га мажбурлайдилар, уларга нисбатан қўпол жисмоний ва ҳатто жинсий зўравонлик актларини содир этишлари мумкин. Умуман олганда, хейзинг буллинг каби кўпинча яширин ёки яққол гендер ва жинсий туб маънога эга бўлади.

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан буллингнинг яна бир тури – **кибербуллинг ва кибермобинг**: инсонни таъқиб қилиш учун мобил телефонлар, электрон почталар, интернет, ижтимоий тармоқлар, блоглар, чатлардан, у ҳақидаги яширин маълумотларни, ғийбатларни, обрўсини тўқувчи ва ҳақоратловчи хабарларни тарқатишдан фойдаланиш тарқалди. Кибербуллингни кескин, қўпол ёки шафқатсиз матнли хабарларни кўрсатиш ва жўнатиш, онлайн тартибида жабрдийдани калака қилиш, жабрдийдага зарар етказиш ёки уни уялтириш учун шахсий маълумотларни, фотосуратлар ёки видеоларни очиқ фойдаланишга жойлаштириш; жабрдийда номидан бошқаларни таъқиб қилиш ва таҳқирлаш учун сохта электрон манзил, веб-саҳифа, ижтимоий тармоқларда ҳисоб ёзувларини яратиш орқали амалга ошириш мумкин.

Кибербуллинг зўравонликнинг бошқа турларидан шуниси билан фарқланадики, дилозорга махфийликни сақлаб қолиш ва шу билан ўз ҳаракатлари учун жавобгарликдан қочиш имконини беради.

Буллинг кўпинча шахслар гуруҳи томонидан амалга ошириладиган мунтазам равишдаги ва узоқ муддатли таҳқирлаш сифатида шаклланишида бир неча босқични ўтайди.

Биринчи босқич – бу буллинг-гуруҳларнинг вужудга келиши. Болалар-ўсмирлар жамоасида жисмоний куч ёки зўравонлик ҳаракатларининг бошқа шакллари намоиш этиш орқали ўз-ўзини тасдиқлашга уринувчи “сардор” атрофида худди шундай устун бўлишга ёки “сардор”ни ҳимоялаш ва ҳомийлик қилишга интилувчи “тарафдорлар” гуруҳи пайдо бўлиши мумкин. Агар зўравонликнинг дастлабки кўринишлари бутунлай ва қатъий тугатилмаса, бунда уларнинг асосий ташаббускори – “сардор” ўзининг жазоланмаслигига ишонч ҳосил қилади, бу унинг тарафдорлари орасида обрўсини оширади ва гуруҳни мустаҳкамлайди.

Иккинчи босқичда низо мустаҳкамлашади. Педагогларнинг аралашмаслиги, синфдошларнинг лоқайдлиги зўравонлик ҳаракатларининг такрорланишига имкон беради, унга дучор қилинган ўқувчи эса секин-аста қаршилиқ кўрсатишга қобилият ва иродасини йўқотади. Янада ҳимоясиз бўлганча у шу билан келгусидаги ҳамла учун тизгин беради.

Учинчи босқич – деструктив хулқ-атвор. Мунтазам равишда ҳужумга дучор қилинган ўқувчиларда жабрдийда мақоми буткул мустаҳкамланади. Атрофдагилар бу одамга нисбатан доимий ҳақоратларга кўникканча юзага келган вазиятда унинг ўзини айблайдилар. Одамнинг ўзи унга нисбатан ҳақоратларда айбдор эканлигига ишонишни бошлайди. У энди ўз кучи билан вазиятни удалай олмайди, у ғамгин, чўчиган ва тушкунликка тушади.

Тўртинчи босқич – қувғин. Умидсизлик ва ёлғизликнинг энг юқори даражасига олиб келинган жабр-

дийда ўқувчи дилозор ва қўшимча жароҳатланиш билан учрашишдан қочишга интилганча онда-сонда ўқув машғулотларини қолдириши ёки таълим ташкилотига қатнашни буткул тўхтатиши мумкин. Қачонки буллинг вазиятига катталар (ота-оналар, ўқитувчилар, таълимий ташкилот маъмурияти) аралашсалар, кўпинча ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатмасдан жабрдийдани бошқа синф (гуруҳ) га ёки мактабга ўтказадилар. Узоқ муддатли зўравонлик натижасида олинган психологик жароҳат жабрдийдага янги ўқув жамоасига муваффақиятли интеграциялашувига халақит қилиши ва энди янги жойда буллингнинг такрорланиш сабабларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Таъқибнинг оқибатлари. Кўмак ололмай ва зўравонлик вазиятидан чиқиш йўлини тополмай жабрдийда ўзига зарар етказиши, суицид ҳақида ўйлаши ва уни амалга ошириши мумкин.

Ўқувчини таъқиб қилишнинг оқибатлари аянчли: шафқатсиз муомала боланинг психикасини бузади ва патологик бузилишлар, зўравон, суицидал ва тобе характердаги хулқ-атворнинг ижтимоий-хавфли шакли юзага келиши сабаби бўлиши мумкин. Моббинг ва буллингга дучор бўлган ўсмирлар барча муаммо ўзларида, улар билан шундай муносабатда бўлишларига ўзларини айбдор деб ўйлайдилар ва шунинг учун ийманадилар.

Мактаб ёшида олинган психологик жароҳатлар буткул жиддий катталар муаммоларига айланиши мумкин. Мутахассислар (психологлар, тадқиқотчилар, олимлар) мактаб йилларидаги таъқиб унинг барча иштирокчилари учун изсиз қолмайди ва унинг оқибатлари инсоннинг деярли бутун ҳаёти давомида таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайдилар.

Бошлаб берувчилар ва таъқиб қилувчиларда асоциал чизиклар шаклланади, улар тобеликка мойилдирлар, ниҳоятда хавотирлилик ва руҳий тушкунлик ҳолатига дучор қилинганлар. Собиқ “жабрдийдалар”га бошқа одамлар билан муносабат қуриш, уларга ишониш, жамиятда ўзини эркин тутиш қийин. Баъзида келгусида уларнинг ўзлари шу тарзда бошдан кечирган камситишларни унутишга уринганча таъқибни бошлаб берувчи бўладилар.

Интернет-таъқиб “жабрдийдалари” ўзларига ишончни йўқотадилар, бу турли оғирликдаги психик оғишларга, шунингдек, психосоматик касалликларга олиб келиши, ўз-ўзини ўлдириш сабаби бўлиши мумкин.

Болаларнинг ўзлари кўпинча синфдошлари томонидан таъқиб қилинаётганларини яширадилар. Шунинг учун ота-оналарга агар бола:

- доимий равишда ғамгин кайфиятда юрганини;
- ёмон баҳолар олишни бошлаганини;
- мактабга бормаслик учун баҳона излаётганини;
- мактаб ва уйга боришда айланма йўлларни танлаётганини;
- бузилган ёки ифлос кийимларда, йиртилган дарсликлар ва дафтарлар билан келаётганини;
- хамиша буюмлари ва кундалик майда харажатлар пулини “йўқотиб қўяётгани”ни;
- ҳовлига ўйнагани чиқмаётганини;
- кўпинча кўқарган ва шилинган жой билан келаётганини;
- синфдошлари билан учрашмаслигини, уларни уйга таклиф қилмаслиги ва меҳмонга бормаслигини;
- одамови ёки жиззаки бўлиб қолганини сезсалар, зудлик билан нима бўлганини суриштиришлари лозим бўлади.

Афсуски, агар тўсатдан бола таъқибнинг жабр-дийдаси бўлаётгани аниқланган ҳолатда нима қилиш кераклиги ҳақидаги саволга универсал жавоб йўқ. Кўп нарса синф ва мактабдаги шароит, ўқитувчилар позициялари, бола шахсининг хусусиятларига боғлиқ. Бир нарса аниқ – дарҳол мактабга бориш ва педагоглар билан муаммонинг ечимини топиш керак. Катталар вазиятни қўлган олишлари, уни ўйлаб кўришлари, бу масала бўйича етарли бўлган адабиётларни ўқишлари, психологни, албатта, жалб қилишлари зарур.

Агар ота-оналар мактабда кўмак топмасалар, унда юқори турувчи идораларга боришлари лозим. Энг охирги ҳолатда – мактабни ўзгартиришлари мақсадга мувофиқ.

3. БОЛА БИЛАН ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАДА БЎЛАЁТГАНЛАРИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Болалар билан катталар билан бўлгани каби жисмоний шикастлар, жароҳатларга олиб келадиган турли бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб туради. Ва, албатта, тиббиёт ходими бўлмаганларга бола билан нима содир бўлганини: у шафқатсиз муомалага дучор бўлганми ёки бу бахтсиз ҳодиса эканини аниқлаш қийин.

Қуйида биз Университетда (Кардифф) Болалар саломатлиги департаменти ҳамда Педиатрия ва Бола Саломатлиги Қироллик коллежи (Лондон) билан ҳамкорликдаги лойиҳаси доирасида Болаларни Ҳимоялашнинг Даврий Таҳлилини тайёрлаш бўйича гуруҳ (Уэльс) томонидан тайёрланган маълумотни тақдим этамиз. Мазкур маълумот www.nspcc.org.uk/core-info сайтида барча фойдаланиши мумкин

бўлган тарзда очик тақдим этилган, бир неча тилларга, шу жумладан, рус тилига ҳам таржима қилинган ва болалар муассасаларидаги тиббиёт ҳамширалари, патронаж ҳамширалар, тарбиячилар, ўқитувчилар, юристлар, ижтимоий иш ходимлари, милиция ходимлари, стоматологик хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар, педиатрлар ва шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ходимлари фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Маълумот жаҳон илмий адабиётидаги оғиз бўшлиғи органлари жароҳатлари, куйиш, тишланган яралар, болалардаги синиқларга тааллуқли барча сифатли ишларнинг мунтазам равишдаги таҳлилига асосланади.

Оғиз бўшлиғи органларининг жароҳатлари

Оғиз бўшлиғи органлари жароҳатлари тўғрисида бизга нима маълум?

Мактабни тугаллаш лаҳзасига келиб болаларнинг 50 фоизи оғиз бўшлиғи органларининг жароҳатларини бошдан кечирадилар. Бу жароҳатларнинг кўпчилиги бахтсиз ҳодисалар натижасида олинган ва катта ёшдаги болаларда кўпинча бу йиқилиш оқибатида ва спорт билан шуғулланиш вақтида орттирилади. Болалар билан шафқатсиз муомала ҳолатида юз ва бош тананинг бирмунча тез-тез жароҳатланадиган қисми ҳисобланади. Лабларнинг жароҳатланиши шафқатсиз муомала натижасида олинган бирмунча тез-тез қайд қилинадиган оғиз жароҳати ҳисобланади. Бундай жароҳатларга ёриқлар ёки қонталаш жойлар ҳам киради. Шунга қарамай, шафқатсиз муомала натижасида оғиз бўшлиғининг барча органлари зарарланган бўлиши мумкин: тишлар уриб туширилган ёки синдирилган бўлиши мумкин, лаб, тил ёки тил остида ёриқлар, шилинган жойлар бўлиши мумкин. Тиш жароҳатларини киритганча оғиз

бўшлиғи органларининг жароҳатлари аҳамиятли оғриқ етказиши ва ноқулайлик келтириши ҳамда агар даволанмаса, боланинг иштаҳаси ва ўсишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Оғиз бўшлиғи органлари жароҳатларини қай тарзда таниб олиш мумкин?

Агар сиз стоматолог бўлмасангиз жароҳатни таний олишингиз қийин. Шунга қарамай, бола оғзидаги оғриқдан шикоят қилиши ёки овқат тановул қилишда қийинчиликни ҳис қилиши мумкин ёки боланинг тишларини ранги ўзгарганини (жигарранг ёки кулранг) сезишингиз мумкин. Бу эски жароҳат белгиси бўлиши мумкин. Синган тиш сал-пал фарқланувчи кулранг тус бўйича аниқланиши мумкин. шафқатсиз муомала натижасида олинган жароҳатлар ҳар доим ҳам сезиларли бўлавермайди ва агар бола шафқатсиз муомала тўғрисида гапирмаса ёки бошқа тушунарсиз жароҳатлар бўлмаса, бундай жароҳатлар фақат агар доимий тишлар кўринарли сабабларсиз йўқлигини сезганингизда аниқлашингиз мумкин.

Лаб ости камарчасининг йиртилиши болаларга нисбатан зўравонлик белгиси ҳисобланадими?

Лаб ости камарчаси оғиз бўшлиғининг юқориги ва пастки лабларни милклар билан бирлаштирадиган ички шиллиқ қаватини ўзида акс эттиради. Узоқ вақт давомида юқориги лаб ости камарчасининг жароҳати шафқатсиз муомала белгиси ҳисобланиб келган.

Илмий адабиётларда қачонки лаб ости камарчаси ёрилган бола билан шафқатсиз муомала натижаси бўлган 50 дан ортиқ ҳолат баён қилинган. Агар шафқатсиз муомалага дучор қилинган болада лаб ости камарчасининг йиртилгани пайқалган бўлса, унда бу кўпинча кўп сонли жароҳатлар билан боғлиқ ва бу болаларнинг кўпчилиги зўравонлик натижасида вафот этганлар. Болаларнинг кўпчилиги 5 ёшгача

бўлган. Шунга қарамай, лаб ости камарчасининг ёрилиши тасодифан бўлиши, агар юришни бошлаган бола ёки кичик ёшдаги бола юзи билан ерга йиқилса, оғзи билан мебель бурчагига туртилса ёки юзига, масалан, арғимчоқда юзига тасодифий зарба олса ҳам содир бўлиши мумкин.



Адабиётларда лаб ости камарчасининг ёрилиши ўз-ўзидан болага нисбатан зўравонлик белгиси бўлишига нисбатан фикрни қўллаб-қувватлаш учун етарлича далил йўқ. Бу турдаги ҳар қан-

дай жароҳат тақдим этилган тушунтириш боланинг ривожланиш босқичлари ва тўлиқ тиббий текширув контекстида кўриб чиқилиши зарур. Агар икки ёшдан кичик болада лаб ости камарчасининг ёрилишига нисбатан тушунтиришлар бўлмаса, текширув скелет суякларининг тўлиқ кўригини ва заруриятга кўра, текширувнинг бошқа усуллари ўз ичига олиши лозим.

Ходим агар у болани шафқатсиз муомалага дучор қилинаётганини шубҳа қилса, нима қилиши керак?

Агар бола шафқатсиз муомалага дучор қилинаётганига шубҳаланган ҳолатда мажбурий тартибда боланинг оғиз бўшлиғи ва тишларини тиббий кўриқдан ўтказишни амалга ошириш зарур. Агар хавотирланиш учун асос бўлса, стоматология соҳасидаги мутахассисга мурожаат қилиниши лозим.

Агар улар бола совуққон ёки шафқатсиз муомала натижасида хатарга дучор қилинаётганига шубҳалансалар, унда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда текширувни бошлашлари зарур.

Тишланган яралар

Тишлаш натижасида пайдо бўлган яралар қанчалик тез-тез учрайди?

Тишланган яралар болаларда тез-тез учровчи жароҳат турлари ҳисобланади. Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига мурожаатларнинг барча ҳолатини тахминан бир фоизи тишланган яраларга тўғри келади ва шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига мурожаат қилувчи 600 нафар боладан тахминан биттаси тишланган бўлган. Агар бола катта одам томонидан етарлича кучли тишланган ҳолатда ва бунда нишона қолган бўлса, бундай тишлаш тажовуз ҳисобланади. Тишлаш оқибатида вужудга келган яра унга тажовуз қилган шахс ким эканлигини аниқлаш мумкин бўлган ягона жисмоний жароҳат тури ҳисобланади.


Тишлаш натижасида олинган жароҳатлар қандай кўринади?

Тишлаш натижасида вужудга келган яра, қарама-қарши «U» ҳарфи шаклида жойлашган аркадан ташкил топган тухумсимон ёки думалоқ издан иборат бўлади. Аркалар алоҳида тишлар билан тишланишдан қолган терининг зарарланишини, қонталаш кўринишдаги эзилган жой ёки изларни ўз ичига олиши мумкин. Бу излар тишланиш яққол намоён этадиган ўзига хос кўринишга эга бўлади.

Тишлаш тери билан бошқа муаммолар, масалан, қирма темиратки, дори препаратларига реакциялар, қизил темиратки каби қабул қилиниши мумкин. Шунга қарамасдан, тери касалликларидан фарқли равишда тишланган жойида терининг кўчиб тушиши бўлмайди ва кўпчилик тери касалликлари тананинг бошқа қисмларига тарқалади ёки бошқа биргаликда кечадиган симптомларга эга бўлади.

Болалар томонидан тишланган яраларнинг катталар томонидан тишланган яралардан фарқи?

Болалар тез-тез бир бирларини тишлайдилар ва улар ҳайвонлар томонидан ҳам тишланишлари мумкин. Шубҳасиз, яранинг чуқурлиги ва катталигига қараб унинг ким томонидан қилинганлигини аниқлаш мумкин. Агар тишланган яра катта одам томонидан етказилган бўлса, шифокор ўзининг шубҳаларини ўз раҳбарига, раҳбар эса болалар ҳимояси билан шуғулланадиган ваколатли органларга етказиши зарур.



Болани ким тишлаганини аниқлаш учун етарлича фарқли хусусиятларга эга ва яра катталар ёки бола томонидан етказилганлигини аниқлаш учун суд тиббий экспертизаси консултацияси зарур.

Одам томонидан етказилган тишланган яраларнинг ҳайвонлар томонидан тишланган яралардан фарқи.

Кучуклар ва бошқа ёввойи ҳайвонлар (масалан, сассиққўнғиз ёки каламушлар) терини йиртишлари

ва чуқур тишланган яралар қолдиришлари мумкин. Бу яралар инсон томонидан етказилган тишланган яралардан анчагина кичикдир.

Ходим агар у болада одам томонидан етказилган тишланган яралар борлигига шубҳа қилса, нима қилиши зарур?

Агар суд тиббий экспертизаси билан дарҳол боғланиш имконияти бўлмаса, улар қозик тишлар ўртасидаги масофани ўлчашлари ва ёзишлари, кейин эса шубҳаланган тишланган ярани фотосуратини олишлари зарур. Фотосуратлар яранинг битта оддий сурати ва издан ташқари, иккинчи фотосурат тўғрибурчакли ўлчов асбобини ўз ичига олиши зарур. Агар тишланган яра қийшиқ юзада, масалан, қўлда бўлса, унда ўлчов асбоби билан фотосуратлар ҳар бир юзада қилинган бўлиши зарур. Имкони борича тезроқ суд тиббий экспертиза хулосасини олиш зарур. Тишланган қисмни ювишдан сақланиш зарур, чунки ярадан жиноятчининг ДНКсини олиш мумкин.

Агар мутахассис консултациясини олишнинг имкони бўлмаса ёхуд иш бирмунча чўзилган бўлса бир ёки икки кундан кейин такрорий фотосурат олиш мумкин, чунки шиш қайтганидан кейин ҳар бир тишнинг алоҳида излари янада яққолроқ кўриниши мумкин.

Болаларнинг бош қисмига етказилган жароҳатлар ҳақида нима маълум?

Бош миянинг жароҳатланиши ёки бош мия яқинидаги тузилмаларда қон кетишини ўз ичига олувчи етказилган мия жароҳати болаларга нисбатан жисмоний зўравонликнинг жиддий шакли ҳисобланади ва боланинг келгусидаги фаровонлиги учун жиддий оқибатларга олиб келади. Бундай жароҳатлар

зўравонликка учраган болалар орасида ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Бош мияга оид жароҳатлар силкитиш ёки мушт тушириш натижасида юзага келиши мумкин. Бу ҳолат икки ёшдан кичик болаларда тез-тез учрайди, олиб борилган таҳлилларга асосан ҳар 3000 боладан 1 тасида бундай ҳолат учраганлиги аниқланди.

Ўғил болалар сабабидан қатъий назар қизларга қараганда бош мияга оид жароҳатни кўпроқ бошдан кечирадилар. Бош мия жароҳати натижасида ҳалок бўладиган болалардан ташқари, тирик қолганлар жиддий узоқ муддатли имконияти чеклашларга эга бўлишлари мумкин: 31 фоиздан 45 фоизгача бўлганлар доимий муаммолар, шу жумладан, болалар церебрал фалажлигини, кўриш билан муаммолар, эпилепсия, таълим билан муаммолар ва ахлоқий муаммоларни ҳис қиладилар.

Жисмоний зўравонлик кўпинча ўзида бир марталик ҳодисани акс эттиради. Бош мия жароҳатидан азобланган кўплаб болалар ўзларида жисмоний зўравонликни илгари ҳам ҳис қилганлар. Болага ёки чақалоққа нисбатан жисмоний зўравонлик тўғрисидаги ҳар қандай шубҳа ҳолатни аниқлаш ва келгусида жисмоний зўравонликнинг юқори даражадаги оғирлигини олдини олиш учун тўлиқ тадқиқ этилиши зарур.

Бошга етказилган жароҳат ташхис қилиниши биланоқ ўлим ёки жиддий узоқ муддатли муаммолар хавфини камайтириш учун зудлик билан ва тегишли даволаш ишларини олиб бориш зарур.

Мия жароҳати.

Боланинг бош мия жароҳати етказилганидан азобланаётганини қандай билиш мумкин?

Баъзи болаларда, ҳатто агар сабаби аниқ бўлмаса-да, мия жароҳатининг яққол белгилари намоён

бўлади. Бола ё беҳуш ҳолатда бўлади ёки беихтиёрий ҳаракатлар, фалажлик ёки ўта асабийлик каби бош мия шикастланишининг белгилари намоён бўлади. Шундай бўлса-да, баъзи болаларда бош айланасининг катталашishi, ёмон овқатланиш ёки ниҳоятда кўп йиғлаш каби аниқ белгилар пайдо бўлиши мумкин.

Турли сабабларга кўра бош мия шикастланишидан азобланган болаларда қатор бошқа жароҳатлар ҳам бирга кечиши мумкин. Бош суягининг синганлиги билан кечадиган жароҳатлар кўпинча тасофидан содир бўладиган шикастланишдир. Бундай жароҳатлар, одатда, баландликдан йиқилиш ёки йўл-транспорт ҳодисалари натижасида бошнинг жиддий шикастланиши билан боғлиқ. Шунга қарамай, баъзи бир хусусиятлар, ҳатто агар бош суяги синган бўлса-да, айниқса, бош миянинг шикастланишидан далолат беради. Буларга кўз тўр пардасига қон қуйилиши (кўзнинг орқа қисмида қон қуйилиши), қовурғаларнинг синиши, бош ёки бўйиндаги кўкаришлар, шунингдек, апноэ (нафас олишнинг даврий бузилиши) киради.



Бош мия жароҳатининг тасодифий эмаслигига шубҳа бўлган ҳар қандай шароитда бола бирга кечувчи жароҳатларни истисно қилиш учун изчил текширилиши зарур. Бу офтальмолог томонидан бола кўзининг текширилишини ва тананинг қовурға проекцияси билан боғлиқ текширувдан иборат

бўлиши, КТ (компьютер томографияси) ёки МРТ (шифокор кўрсатмаси бўйича) ўтказилиши зарур.

Миянинг жароҳатланиши тасодифий бош мияга оид жароҳатга қараганда кўпинча кислород етишмаслиги ва қон айланишининг бузилишидан, яъни бўғишдан етказилган зарарланиш ҳолатида учрайди. Бу жабр кўрган болалар учун салбий оқибатларга олиб келади. Экстрадурал қон кетиши (қаттиқ мия қатламига қон қуйилиши) тасодифий жароҳатларда кўпроқ учрайди.

Тушунарсиз мия жароҳати бўлган ҳар қандай бола шафқатсиз муомалага дучор бўлган, деб хулоса қилишдан олдин, албатта, изчил текширувни – масалан, модда алмашинуви ёки гематологик бузилишларни текширишни талаб қилади.

Умуртқа жароҳатлари

Қандай умуртқа жароҳатлари шафқатсиз муомала билан чорланган?

Илмий адабиётларда болаларда умуртқанинг нотасодифий шикастланиши тўғрисидаги алоҳида маълумотлар мавжуд. Жароҳатнинг иккита модели баён қилинган:

- бўйин жароҳати;
- кўкрак бўлими ва куракнинг пастки қисми жароҳатлари.

Болалар жисмоний зўравонликдан бўйин жароҳатини бошдан кечирсалар, улар кўпинча бош мия жароҳатлари ва/ёки кўз тўр пардасига қон қуйилиши билан бирга кечувчи жароҳатларга эга бўладилар. Бўйин жароҳати кўпинча тўрт ойгача ёшдаги болаларда аниқланади. Умуртқа жароҳати кўп ҳолатларда яққол кўринарли бўлмайди, чунки бош мия шикастланиши болани ҳушсиз қолдириши ва ҳолатни баҳолашни қийинлаштириши мумкин. Баъзи ҳолатларда бола бўйнининг жойини ўзгар-

тиришларини истамайди ёки салбий реакция қилади ва бу эса жароҳатнинг мавжудлигини кўрсатади.

Тўққиз ойлик ва ундан катта болаларда кўкрак қафаси ва куракнинг пастки қисмидаги жароҳатлар тўғрисида хабар берилади, улар ёхуд умуртқа жароҳатининг белгилари ёки куракнинг пастки қисмидаги шишган жой билан бирга кечади. Бу болаларнинг аксарияти жароҳат натижасида вафот этади ёки бир умрга фалаж бўлиб қолади.

Умуртқага етказилган жароҳатни аниқлаш учун қандай таҳлиллар зарур?



Жисмоний зўравонликни бошидан кечирган икки ёшгача бўлган боланинг умуртқа қисмини, шу жумладан, ёнбош проекциясини оддий рентген қилишдан иборат тўлиқ текширувдан ўтказиш муҳим. Агар синиш аниқланса ёки орқа мия жароҳати шубҳаланса, унда умуртқа МРТ сини ўтказиш зарур. Клиника шифокорлари бош миясига жароҳат етказилган болалар умуртқасида бирга боровчи жароҳатлар эҳтимолини инобатга олишлари ва агар умуртқанинг бирга боровчи жароҳатлари юзасидан шубҳага эга бўлсалар, умуртқани МРТ (магнит-резонансли томография) қилишлари зарур.

Амалий хулосалар

- Синган, лат еган жойлар, куйиш, орал жароҳатлар ёки кўз тўр пардасида қон қуйилиши каби тасодифий бўлмаган жароҳатли болалар бош мияга етказилган жароҳат эҳтимолини аниқлаш учун нейровизуаллаштиришдан ўтишлари зарур.

- Бош мия жароҳатига шубҳа қилинган болалар тушунарсиз оғриқли, неврологик бузилишлари,

қушиш ёки жароҳат билан ассоциацияси бўлган ҳар қандай болалар каби зудлик билан шифокор кўригидан ўтказилиши даркор.

- Болаларни йиғлаганда қийин тинчлантириладиган бўлиши ва уларни бош миясига етказилган жароҳатга анча нозик қилиб қўйиши мумкин. Барча ота-оналар узоқ йиғи эпизодларини қандай уддалаш тўғрисида мутахассис маслаҳатига боришлари зарур.

Лат еган жойлар

Биз кўкаришлар ҳақида нималарни биламиз?

Кўқарган жойлар ҳаракатчанлик билан чамбарчас боғлиқ.

- Болалар ҳаракатланишни бошлаганлари заҳоти кундалик фаолияти давомида ва тасодифий жароҳатлардан қаерларинидир кўқартирадилар, мома-талоқ орттирадилар.

- Ҳали эмакламайдиган ва шубҳасиз, ўзи мустақил силжимайдиган боладаги кўқарган жой жуда ғайриоддий ҳодиса.

- Мебелни ушлаганча юришни бошлаган беш боладан фақат биттасида кўқарган жойи бўлади.

- Мустақил юриш ҳолатидаги аксарият болаларда кўқариклар бор.

- Кўқарган жой, одатда, қачонки болалар йиқилсалар ёки ўз йўлида нимагадир қоқилсалар, юзага келади.

- Ёзги ойларда болаларда кўпроқ кўқаришлар аниқланади.

Тасодифий жароҳатлардан кўқаришларнинг бирмунча тез-тез жойлашуви бола танасининг қайси жойларида бўлади?

Юрувчи ёки юришни бошлаган болаларда кўпинча болдирлари ва тиззаларида кўқаришлар пайдо бўлади.

- Кўпинча тананинг суякли қисмларида, яъни тиззалар, тирсаклар ва тананинг олди қисмида вақти-вақти билан кўкаришлар кузатилади.

- Кўмаксиз юришни эндигина бошлаган болалар қоқинишлари ва бошлари лат ейиши мумкин, бу одатда, пешона, бурун, ияк маркази ёки бошнинг орқа қисми бўлади.

- Синишлар, айниқса, метафиз ва қовурғалар синиши натижасида одатда кўкаришларсиз бўлади.



Қачон сергакликни намойиш қилиш керак?

Баъзи кўкаришлар жисмоний зўравонлик қўлланганлигини аниқлаштириши мумкин.

- Тасодифий бўлмаган кўкаришлар кўпинча тананинг юмшоқ қисмида, яъни ёноғи, қорни, орқаси, думбасида учрайди.

- Болалар билан шафқатсиз муомалада бўлганда кўпинча бош қисмда шишлар аниқланади.

Кўкаришлар шакллари зўравонликка дучор бўлган болаларда одатий кўриниш ҳисобланади. Улар кўпинча елкада, соннинг ташқи томонида ёки танада жойлашган бўлади.

- зўравонликка дучор қилинган болаларнинг ўз-ўзини ҳимоялаши натижасида билакларида, юзи, қулоғи, қорни, сони, оёғининг орқа қисми, қўллари ёки оёқларида моматалоқлар бўлиши мумкин.

- Тасодифий бўлмаган кўкаришлар кўпинча уриш қуроли ёки қўлларнинг ишлатилганидан қолган изни ўзида сақлаши мумкин.

- Тасодифий бўлмаган бош жароҳатлари ва синишлар кўкаришсиз содир бўлиши мумкин.
- Атрофида петехия (petechiae – тери остида қон нуқталари) бўлган кўкаришлар тасодифан жабр кўрган болаларга қараганда зўравонлик қурбонлари бўлган болаларда кўпроқ аниқланади.
- Бош мия суякларининг синиқларисиз ва кўз атрофидаги шиш билан бош (скальп) нинг кучли лат ейиши агар бола “юлинган”, яъни кимдир уларнинг сочидан кучли тортганидан юзага келиши мумкин.



*Болани қулоғидан
тортганларидан
олинган жароҳат*

*Соч тутами
юлиб олинган*

*Орқа куракда
қонталаш жойлар
ва уриш излари*

Кўкартирилган муддатни аниқ белгилаш мумкинми?

Йўқ. Ҳозирги вақтда кўкартирилган муддатни оддий нигоҳ билан кўкариш ранги асосида баҳолайдилар. Бундай аниқлаш 50 фоиз тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида кўкартирилган аниқ муддатни кўрсатишнинг имкони йўқлигидан далолат беради. Кўкариш муддатини шифокор ўз тажрибасидан келиб чиқиб белгилайди. Мазкур масала бўйича аниқ ва асослантирилган ҳолда чоп этилган маълумотлар йўқ.

Амалий хулосалар

Кўкаришлар ҳеч қачон алоҳида шарҳланиши керак эмас ва ҳамиша боланинг тиббий ва ижтимоий тарихи, унинг ривожланиш босқичлари ва тақдим этилган тушунтиришлар натижасида баҳоланиши зарур. Оғриқ ва касалликлар белгилари бўлган ҳар қандай бола шифокор томонидан қабул қилиниши лозим.

Болаларга нисбатан жисмоний зўравонликдан далолат берувчи кўкаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мустақил ҳаракатланмайдиган болалардаги кўкаришлар
- чақалоқлардаги моматалоқлар
- суяк бўртиб чиққан жойдан йироқда бўлган кўкаришлар
- юз, елка, қорин, қўл, думба, қулоқлар ва қўллардаги кўкаришлар
- кластерларни шакллантирувчи кўплаб гематомалар
- бир хил шаклдаги кўп сонли кўкаришлар
- ўзида, масалан, қурол, чилвирнинг изини қолдирган кўкаришлар
- атрофида қонталаши кўриниб турган кўкаришлар.

Болалардаги термик жароҳатлар

Куйишдан олинган жароҳатларга қайноқ суюқликдан, иссиқ объектлар (дазмол каби) дан фойдаланишдан, кимёвий ва электр энергиядан куйишлар киради.

Куйишнинг катта қисми тасодиф натижаси ҳисобланади. Буюк Британияда яқинда ўтказилган тадқиқот

натижаларига кўра, куйишни даволаш марказларига тушган болаларнинг умумий миқдоридан 10 фоизи шафқатсиз муомала оқибатида куйиш олган. Бепарво муносабат натижасида олинган куйиш шафқатсиз муомала натижасида олинган куйиш миқдорини тўққизга бир нисбатда оширади.

Агар шифокорда бола сезиларли куйиш олгани юзасидан шубҳа юзага келса, у мажбурий тартибда куйиш соҳасидаги мутахассис билан боғланиши керак.

Қайноқ суюқлик ва буғ билан куйишлар.

Болаларда қайноқ суюқликлар ва буғ билан куйиш тўғрисида бизга нима маълум?

Бола катта одамга қараганда анча тез куйиш олади. Фақат бир секунд давомида бола ҳарорати 60°C бўлган суюқликдан куйиши мумкин. Қайноқ сувдан куйиш тезкор ва кучли оғриқни уйғотиши мумкин.

Болаларда қайноқ суюқлик ва буғдан тасодифий куйиш белгилари қандай?

Тасодифий куйишлар, одатда, қачонки эндигина юришни бошлаган боланинг қайноқ ичимлик ёки суюқликни мустақил олиши ва ўзига тортишидаги “тўкилиш” натижасида содир бўлади. Бу, одатда, танасининг юқори қисми, юзи ва ёки қўлларида куйиш изларини қолдиради. Куйиш, одатда, нотўғри чизикларга, турли-туман чуқурликка эга бўлади ва дастлабки контакт нуқтасида бирмунча чуқур бўлади. Болалар ўзларини крандан оқадиган қайноқ сув, масалан, раковина ёки ванна кранини очганча тасодифан куйдириб олишлари мумкин. Бу ҳолатда ҳам куйиш, одатда, асимметрик, нотекис қирралар билан қўл-оёқларда бўлади.

Болаларда қайноқ суюқлик ва буғдан қасддан етказилган куйиш белгилари қандай?

Бу соҳадаги кўплаб тадқиқотлар касалхонага мурожаат этишни талаб қиладиган куйишга нисбатан олиб борилган.

Қайноқ сувга ботириш натижасида олинган қасддан куйишлар, одатда, оёқларнинг пастки қисми ёки думба ва чот орасидаги шикастлар билан жароҳатланади. Бундай куйиш ҳар иккала қўл ёки оёқни “қўлқоп” ёки “пайпоқ” типидида шикастлаши ҳам мумкин. Бундай куйиш учун бир хил чуқурликка эга бўлган терининг юқори чегарасини яққол куйиши жуда хосдир.

Қайноқ сувга ботириш натижасида олинган қасддан куйдириш тизза остидаги, тирсак букилишидаги ёки думба орасидаги терини шикастламаслиги мумкин: чунки куйиш вақтида тизза, тирсак букилган бўлиши ёки думба бола ботирилган суюқликдан совуқроқ бўлган ванна юзасига тақалган бўлиши мумкин.

Қасддан куйдириш бошқа атайин жароҳатлар ёки бепарво муносабат белгилари билан бирга кечиши мумкин.

Болани қайноқ суюқлик ёки буғ билан қасддан куйдириш учун асос бўлган ҳолатлар:

Илгари ҳам бола билан шафқатсиз муомала ёки уйдаги зўравонликнинг олдинги ҳолатининг содир бўлганлиги;

Болани эркалатиб юбориш ёки хожатхонадан фойдаланишда хатолик каби зўравонлик авж олишини қўзғатадиган ҳодисанинг мавжудлиги;

Илгари мавжуд бўлган куйишлар ёки тасодифий жароҳатлар билан касалхонага мурожаат қилинганлиги;

Қайноқ суюқлик ёки буғ билан куйишида ака-ука ёки опа-синглисини айбдор қилиб кўрсатиш.

Куйишлар

Болаларда тасодифий куйишнинг белгилари қандай?

Эндигина юришни бошлаган болалар қачонки улар қайноқ предметларга қўли етса ёки ушласалар тасодифий куйиш оладилар. Бундай куйишлар, одатда, қўл кафтларини жароҳатлайди ва кўпинча битта жойида бўлади. Соч учун дазмоллар қўл ёки тўпиқнинг ҳар икки томонида куйиш қолдириши мумкин. Кичкина бола дазмол каби иссиқ предметнинг шнурини пастга ўзига тортиши мумкин. Бу ҳам қайноқ предмет билан контакт бўлган битта ёки жуда бўлмаса иккита жойдаги терининг куйишига олиб келиши мумкин. Агар предмет билан контакт сирғалувчан бўлса содир бўлган куйиш чегаралари яққол ифодаланмаслиги мумкин.

Болаларда қасддан куйиш белгилари қандай?

Қасддан контактли куйишлар кўпинча кўп сонли бўлади. Улар яққол ифодаланган чегараларга эга ва одатдагидай, тананинг орқа, елка ёки думба каби ғайриоддий қисмида жойлашган бўлади.

Тамакидан куйиш қасддан куйдиришнинг бирмунча тез-тез баён қилинадиган тури ҳисобланади, гарчи ҳозирги вақтда илмий адабиётларда тасодифий ва қасддан тамаки билан куйдириш ўртасидаги фарқни ажратиш имконини берувчи тадқиқотлар йўқ. Мавжуд иккита ҳисобот болаларнинг қўллари ва билакларидаги тамакидан қасддан куйдиришни тасвирлайди. Бу куйишлар марказида яра бўлган вулқон оғзи шаклидаги бирдан икки сантиметргача кенлик ва бир хил чуқурликда думалоқ шаклга эга. Илмий адабиётларда болаларда қасддан тамакидан куйдиришга нисбатан тафсилотлар мавжуд эмас.

Бола бошқа қандай қасддан куйиш олиши мумкин?

Гўдакларнинг қиздирилган ёғ билан куйдириш, олов устида тутиб туриш, қулоғига кислота ёки бошқа ачиштирадиган суюқликлар куйиш натижасида куйиш ҳолатлари тўғрисидаги ҳисоботлар мавжуд. Одатда бу куйишлар жуда чуқур ва кўламдор бўлиши ва тананинг ғайриоддий қисмларида бўлиши мумкин.



Тамаки босишдан куйган жой



Танада куйишдан янги бўлганидай эски излари

Илиқликдан фойдаланиш билан даволашнинг анъанавий усуллари

Боладаги қасддан куйишлар маданий эътиқод ва даволашнинг анъанавий усуллари билан содир бўлган бўлиши мумкин. Бундай ҳодисалар Осиёнинг жануби-шарқий қисмида тез-тез учрайди. Бундай даволаш усуллари куйдириш (moхibustion) – Арги (тоха) ёвшан ўсимлигини тананинг шикастланган қисмидаги касалликни чиқариб ташлаш учун стакан остида куйдиришни ўз ичига олади. Бошқа усуллар, одатда орқада чуқур бўлмаган думалоқ куйик қолдирадиган банка қўллашдан ва моматалоқ жойни янги қайнатилган тухум билан суркашдан иборат. Бу эса терининг юза қисмини куйишига олиб келади.

Қасддан куйишга ўхшаш ҳолатлар.

Ўткир моддалар билан тасодиқий куйиш

Бундай куйишлар ота-оналарнинг оқибатларни билмаганидан содир бўлиши мумкин. Ўткир модда

билан думбасининг катта қисми куйган бир болани мисол қилиб келтириш мумкин. Боланинг кийими ва ўриндиқ кузатилганда батареядан оқадиган кимёвий модда куйдиришни ҳосил қилганлиги маълум бўлди. Бу ҳолатда терини ўювчи модда дарҳол оғриқни келтириб чиқармайди. Тушунарсиз куйишда боланинг кийимларини текшириш ва ўтган 24 соат давомида нималар содир бўлганини аниқлаш жуда муҳим.

Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди жойларида агар шарбати (боршчевик, акация, айиқтовон, сутламага оид ўсимликлар) терига тушса, куйишни содир қилиши мумкин бўлган ўтлар ўсади, шунинг учун боланинг қаерда бўлганини суриштириш муҳим.

Тери касалликлари

Кўпгина тери касалликлари куйишни эслатади. Буларга қуйидагилар киради:

Ёруғликка оид дерматоз – тери кимёвий моддалар ва қуёш ёруғлигининг уйғунлигидан чорланган пўрсилдоқ билан қопланувчи тери касалликлари. Бу цитрусли, ёввойи сабзи ва бошқа ёввойи ўсимликлар каби ҳидли ёки ўсимлик мойи терида бўлса ва оқибатда бола қуёш нурлари таъсирига тушса, содир бўлиши мумкин. Келгусида пўрсилдоқларнинг пайдо бўлиши билан секин-аста терининг қизариши ва тери қисмида тошмалар пайдо бўлиши билан содир бўлади. Бу кўпинча ҳеч бир сабабсиз пайдо бўлади ва шунинг учун батафсил ёзиб бориш ўта муҳим.

Импетиго каби тери касалликларида пайдо бўлган тошмалар одатда, кўчиб тушади (куйишдан фарқли равишда) ва уларнинг кўпчилиги терининг бошқа қисмларига, айниқса, терининг икки қисми бир бирига тегадиган жойларида – масалан, қўлнинг

юқориги қисми ва кўкрак қафасининг ёнига тарқалади.

Туғма қийшиқ чизиқли гиперпигментация (congenital curvilinear hyperpigmentation) каби наслий касалликларда болдирнинг орқа томонидаги тери қисми ҳалқа кўринишида катталашади.

Бўшаштирувчи воситалар ёки қазғоққа қарши шампунга гипертасирчанлик ҳам куйгандек кўринишга эга бўлади.

Баҳолашни ўтказишда эътиборга олиниши зарур бўлган омиллар:

– **Болани кўриқдан ўтказиш**

Боланинг ривожланиш босқичида куйиш қай тарзда олинганининг баёни мос келяптими?

Куйиш характери тақдим этилган тушунтириш сабабларига мос келяптими?

Куйиш содир бўлган шароитга куйишнинг қай тарзда содир бўлганлиги тўғрисидаги баён мос келяптими?

Куйишнинг клиник тавсифномаси куйиш қай тарзда содир бўлгани ҳақидаги тушунтиришга мос келяптими?

– **Уйни кўриқдан ўтказиш**

Агар кўриб чиқиладиган куйиш қайноқ сувдан содир бўлгани тасдиқланаётган ҳолатда водопроводдаги иссиқ сувнинг ва воқеа содир бўлган жойдаги иссиқ сувнинг аниқ ҳароратини ўлчаш мақсадга мувофиқ.

Агар бола тахминан ўз истагига кўра ваннага ёки раковинага тушган ва кранни очган бўлса, хонадаги шароитни кўриб чиқинг. Бола ванага тушиши мумкинмиди? Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, у баён қилинганидек иссиқ сувга тегина оладими?

Агар куйиш контакт куйиши бўлса, уйда куйиш ҳажмига мос келадиган соч қуритгич ёки ўтёқгич (зажигалка) каби предметлар борми?

Болалардаги суяк синишлари

Болаларда суяк синишлари уларнинг улғайиш даврида учрайди.

– Болаларда тасодифий суяк синишлари тез-тез учрайди: 66 % гача ўғил болалар ва 40 % га яқин қизлар ўн беш ёшгача суяк синишини бошдан кечирадилар.

– 85 % тасодифий суяк синиши беш ёшдан катта болаларга хос.

– Бироқ суяк синиши шафқатсиз муомала белгиси бўлиши ҳам мумкин.

– Тасодифий бўлмаган суяк синиши – болага нисбатан жиддий шафқатсизликдан далолатдир.


Шафқатсиз муомала билан чорланган суяк синиши тўғрисида

– Суяк синиши жисмоний зўравонликка дучор қилинган 25 % болаларда юзага келади; бу суяк синишининг 80 % и 18 ойликкача бўлган болаларда аниқланади.

– Боладаги ҳар қандай суяк шафқатсиз муомала натижасида синган бўлиши мумкин.

– Бундай кўплаб суяк синишлари, айниқса, 2 ёшдан кичик болаларда рентгенсиз яққол кўзга ташланмайди.

– Суяк синиши, хусусан, қовурғанинг синиши аниқ белгилар билан кўринмайди.



Қовурғаларнинг синиши



Пастки жағнинг синиши



Кўл панжасининг синиши

Болада синган жойи борлигини қандай билиш мумкин?

Жуда кичик болаларда суяк синишлари номахсус белгиларда намоён бўлиши ва фақат рентген суратлари ёки бошқа радиологик тадқиқотлар орқалигина аниқланиши мумкин. Суяк синиши ҳатто жароҳатдан кейин намоён бўлмаслиги мумкин, улар қачонки суяк тўқималарининг битиши бошланганида осон аниқланади.

Шафқатсиз муомалани бошидан кечирган болалар юзага келишининг турли муддатларига эга бўлган кўплаб суяк синишига эга бўладилар. Агар шафқатсиз муомала содир бўлганлиги ҳақида шубҳа қилинса, унда 2 ёшдан кичик болалар махсус рентгендан ўтказилади, баъзида анча катта ёшдаги болаларга ҳам рентген текшируви керак бўлиши мумкин. Рентген суратларининг икки туридан фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги мезонлар суякнинг органик касалликлари йўқлиги шароитида қўлланилади:

- қовурғанинг синиши одатда болаларда агар улар йирик аварияга тушмаган бўлсалар, шафқатсиз муомаладан далолат беради;
- юрмайдиган болада сонининг синиши калтаклаш ҳақида дарак беради.

Соннинг спирал синиши – 15 ойликдан кичик болаларга бирмунча хос; бошқа барча ёшга оид

гуруҳ учун кўндаланг синиш соннинг тасодифий ёки нотасодифий синишини билдиради.

– Илк ёшдаги болаларда метафизар синишлар, тасодифдан кўра шафқатсиз муомала натижасидир.

– Елка суягининг спирал ёки қийшиқ синиши 15 ойликдан кичик ёшдаги болада тасодифий сабабларга қараганда шафқатсиз муомала натижаси эҳтимоли юқори, бироқ елка устидан синиши кўпинча тасодифий жароҳат сифатида содир бўлади.

– Болаларда тасодифий бош мия синишини нотасодифий синишдан фарқлаш мураккаб, чунки ҳар иккала ҳолатда синишнинг бирмунча кенг тарқалган тури – бу оддий чизиқли синишдир.

– Кўплаб синишлар зўравонликка дучор қилинган болаларда тез-тез учрайди: бу синишлар битишнинг турли босқичларида бўлиши мумкин.

Адабиётларда умуртқа, тос суяги, қўллар ва оёқлар, курак, ўмов суяги ва биринчи қовурғанинг нотасодифий синишига мисоллар келтирилган. Шунинг учун тана скелетини текшириш ва суякларни сканер қилишни бундай синишларнинг мавжудлигини истисно қилиш учун изчил ўрганиш керак.

Амалий хулосалар

Суяк синиши бошқа ҳар қандай жароҳат каби алоҳида шарҳланмаслиги керак. Жароҳатни ҳамиша боланинг тиббий-ижтимоий тарихи, ривожланиш босқичлари ва тақдим этилган тушунтириш контекстида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Оғриқ ёки касалликнинг тушунарсиз белгилари билан келтирилган ҳар бир бола шошилинич тартибда шифокор томонидан кўриқдан ўтказилиши лозим.

Қуйидаги вазиятларда болалар билан шафқатсиз муомалани истисно қилиш учун изчил таҳлил ўтказилиши зарур:

- суяк синиши бўлган 18 ойгача бўлган болалар;
- боладаги синиш унинг ривожланиш босқичи билан мос келмаганда;
- кўплаб суяк синиши, хусусан, синиш содир бўлган вақтнинг аниқ тушунтира олмаслиги;
- меъёрий суяклари бўлган ва ўтмишда йирик аварияларга учрамаган болаларда қовурғанинг синиши;
- ҳали юришни билмайдиган болада тоснинг синиши.

Зўравонликка дучор қилинган боланинг барча ака-укаси ва опа-синглиси тана скелетини текшириш керакми?

Ҳозирги вақтда адабиётларда бундай зарурият мавжудлигини кўрсатувчи фактлар етарли келтирилмаган. Шунинг учун ҳар бир бола учун хавф алоҳида баҳоланиши ва тана скелетини текширишга тааллуқли қарор тегишли равишда қабул қилиниши зарур.

4. ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН ЗЎРАВОНЛИК СОДИР БЎЛГАНЛИгини КЎРСАТУВЧИ ЖАРОҲАТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ

Болага нисбатан зўравонлик содир бўлагнлиги фактини жисмоний текшириш натижалари асосидагина ўрнатилиши мумкинлигига қарамай, айниқса, агар бола тушунарсиз тарзда келиб чиққан кўплаб гематомалар билан тушганида жароҳат олиш шароитини ўрганиш ҳам муҳим. Ота-оналар

томонидан тақдим этилган тушунтиришлар боланинг зўравонликдан жабр кўрганлиги ёки эҳтиёжларига бепарво бўлишганини исботлашга ёрдамлашадиган муҳим манба ҳисобланади. Бола билан шафқатсиз муомалани шубҳа қилиш имконини берувчи тушунтиришларга қуйидагилар киради:

– Жамоа аъзолари ихтиёрида гувоҳларнинг далиллари ёки боланинг аризаси бўлиши мумкин. Қачонки бола уни аниқ одам урганини айтса, бу, аслида ҳақиқатга мос келади. Шунинг учун уч ёшдан катта ёшдаги болалар билан суҳбатлашишни ота-оналар иштирокчисиз аммо педагог томонидан ўтказиш зарур. Содир бўлганларга гувоҳ бўлган бошқа болалардан ҳам суриштириш мумкин.

– Қачонки ота-оналардан бири бошқасининг болага нисбатан зўравонликка йўл қўйганини тасдиқласа, айниқса, агар гап ота-онанинг болага васийликни талашаётган вазият ҳақида бормаганида, бу одатда, ҳақиқатга мувофиқдир.

– Кўпинча ота-она ўз айбини қисман тан олади. Масалан, улар бошқа жароҳатларга ҳеч қандай алоқалари йўқлигини таъкидлаганча, болага жароҳатлардан бирини етказганларини тан оладилар. Ота-оналар болани жароҳат олгунига қадар силкитиш ёки уришни истаганларини, бироқ унга азоб бермаганликларини арз қиладилар. Бундай ярим тан олиш ота-онанинг аслида бола билан шафқатсиз муомалада айбдор бўлишлари мумкинлиги учун муҳим далил бўлиб ҳисобланиши керак.

– Баъзида ота-оналар болада гематома ёки куйиш мавжудлигидан, гарчи улар қуролланмаган нигоҳ билан сезиларли бўлса-да, хабарлари бўлганини рад этадилар. Агар болани ҳимоялаш органларининг текшируви билан жиноий иш бўйича текшируви бир вақтда олиб борилса, ота-оналар, одатда, ўз

айбларини тан олмасликда қаттиқ турадилар. Бошқа ҳолатларда ота-оналар жароҳатни “пайқайдилар”, бироқ унинг келиб чиқиш сабабини тушунтириб беролмайдилар. Улар одатда бола уйғонганида ёки улар “пайқаганларида” “шундай бўлиб қолган экан”, деб арз қиладилар. Агар уларга босим ўтказилса, улар жавоб беришдан қочишга уринадилар ёки мужмал тушунтириш берадилар (“Эҳтимол, у йиқилгандир”). Айбдор бўлмаган ота-оналар боланинг қаерда, қачон ва қандай шароитда жароҳат олганини бажонидил муҳокама қиладилар ва бунинг бошқа такрорланмаслиги учун қўлларидан келган барча ишни қилишга интиладилар.

– Зўравонликда айбдор бўлган кўпчилик ота-оналар соғлом фикрга зид бўлган ёки тиббий кўрик маълумотларига мувофиқ келмайдиган ёлғон тушунтиришларни берадилар. Агар ота-она жимжимадор, ғайриоддий ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган воқеани сўзласалар, бу уларнинг айбдорлигидан даолат беради. Баъзида ота-оналар жиддий жароҳатни аҳамиятсиз ҳодиса сифатида тушунтиришга уринадилар, масалан, бола қалин жунли гиламга қоқилган ва йиқилганча кўплаб гематомалар олганини таъкидлайдилар.

– Жароҳатнинг қасддан қилинганлигининг яна бир кўрсаткичи болага қўшиб айтилаётган хулқатворнинг унинг ривожланиш босқичига мос келмаслиги ҳисобланади, масалан ота-она ўн ойлик бола ваннага тушиб олиб, иссиқ сув жўмрагини очганини ёки бир ойлик гўдак думалаб бешиқдан тушиб кетганини тасдиқлашлари ҳақиқатга тўғри келмайди.

– Айниқса, кичкина болаларнинг ўзлари ўзларига жароҳат етказганликлари тўғрисидаги фикр шубҳали. Ҳатто эмаклашни ўрганмаган болаларнинг ўзига

қандайдир зарар етказиш ҳолатида эмаслигини ёдда тутиш лозим. Бундай ёшдаги болаларда суяк синиши деярли ҳамиша зўравонлик ҳаракатлари натижаси бўлади. Манتيқан мумкин бўлмаган тушунтиришлар (масалан, “Гўдак муваффақиятсиз ўгирилди ва ўз қўлини синдирди” ёки “Унинг боши беланчакнинг хипчинлари орасига кириб қолди ва у чиқишга уринганча ўзини тирнаб олди”) берилганида масъул ходимлар дарҳол тегишли чораларни кўришлари зарур. Агар бундай болаларнинг ота-оналарини хатар омилини бартараф қилишга йўналтирилган жадал ишлар ўтказмай туриб, уйига юборилса, болалар қўшимча жароҳатлар олишлари ва ҳатто ҳалок бўлишлари мумкин.

– Ота-оналар агар бола томонидан олинган жароҳатга озми-кўпми ҳақиқатга тўғри келадиган тушунтириш ўйлаб топиш ҳолатида бўлмаганида айбни ака-ука ёки опа-сингилларга ағдаришлари мумкин. Масалан, улар опаси болага ўйинчоқни отиб юборгани ёки акаси уни бутилка билан урганини айтишлари мумкин. Бундай воқеалар одатда боладаги жиддий шикастланиш сабабига ойдинлик киритмайди, чунки бу каби шикастлашга катта одамнинг кучи талаб қилинади.

– Айби бўлмаган ота-оналар, одатда, шикастланган болани имкони борича тезроқ шифокорга кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ўз фарзандига нисбатан зўравонликка йўл қўйган ота-оналар аксинча йўл тутадилар. Баъзида жароҳат олган, шу жумладан, ўта жиддий шикастлаган болани жуда узоқ вақт давомида касалхонага олиб бормайдилар. Баъзи ҳолатларда ота-оналар бола ўлим ҳолатига келгунига қадар малакали тиббий ёрдамдан бош тортадилар. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, зўра-

вонлик қурбони бўлган болаларнинг учдан бир қисми ота-оналар томонидан эртасига эрталаб, яна учдан бир қисми эса турли даражадаги оғир жароҳат олганларидан кейин 1-4 кун ўтганидан сўнг касалхонага олиб келинганлар (Schmitt, 1979)¹¹.

– Ота-оналарнинг ўз фарзандларига нисбатан зўравонликда айбдорликларининг яна бир кўрсаткичи кўп ҳолларда бола жароҳат олган лаҳзада у билан бирга бўлган катталар болани олиб шифокор ёки касалхонага бормасликларидир.

5. ЗЎРАВОНЛИКНИ БОШИДАН КЕЧИРГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

5.1. Мурожаатларни қабул қилиш

Вазият турли-туман бўлиши мумкин. Болани ураётган бўлишлари ва дарҳол аралашиш лозим бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ўриндан туриш ва ёрдамга югуриш керак, бироқ шундай ҳолатлар бўладики, қачонки сиз бола мунтазам равишда шафқатсиз муомала ёки зўравонликка дучор қилиниб бўлган, бола эса хавфсиз жойда эканини билдингиз, бу ҳолатда оилага боришингиздан олдин муайян тайёргарлик кўришингиз керак бўлади.

Болалар билан шафқатсиз муомала сабаби бўйича мурожаатнинг қабул қилиниши телефон орқали амалга оширилган бўлиши мумкин. аризачи билан суҳбатлашиш жараёнида қабулни юритаётган ходим қуйидагиларни қилиши зарур:

¹¹ Джудит С.Райкус, Рональд С.Хьюз Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2. – М.: Питер Пресс, 2009. 281 с.

– болалар билан шафқатсиз муомалада бўлинаётганлиги хақидаги барча аризани қабул қилиши;

– унда зўравонлик ёки эҳтиёжларга бепарво бўлиш оқибатида болага зарар етказишга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғри аниқ баён қилинганлигини аниқ ва ҳаққоний баҳолаши;

– айблов қўйилаётган оила тўғрисидаги ва бола дучор қилиниши мумкин бўлган хатарнинг қанчалик жиддийлигини ҳамда болаларни ижтимоий ҳимоялаш органларининг дарҳол аралашуви талаб қилинишини аниқ баҳолаш учун оиладаги ҳолат тўғрисидаги асосий маълумотларни тўплаши;

– зарурият даражасига кўра, аризачини йўналтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ундан максимал даражада тўлиқ ва аниқ маълумот олиш, унинг виждонлилигини текшириш учун унинг мулоҳазаларини шарҳлаш зарур. Бунинг учун унга ташкилотнинг мақсади ва ваколатини тушунтириш, аниқ ва тўлиқ маълумотни тақдим этишнинг муҳимлигини таъкидлаш ҳамда аризачининг эҳтимолий хавфсиррашини тарқатишга тўғри келиши мумкин;

– ушбу оилада болалар билан шафқатсиз муомала тўғрисида аввал ариза тушганлигини аниқлаш учун фуқароларни қайд қилиш журнали ва бу оиланинг психологик ёки ижтимоий ёрдам олаётганлигини (ёки аввал олганлигини) текшириш.

Аризачи билан суҳбат жараёнида у агар қуйидаги маълумотларни билса, сўзлаб бериши зарур: ариза телефон орқали ҳамда ёзма шаклда бўлиши мумкин.

Аризанинг намунавий шакли

- – аризани келиб тушиш санаси ва вақти;
- аризачининг исми, манзили ва телефон рақами;
- аризачининг бола билан шафқатсиз муомала тўғрисида билган шароитлар;
- шафқатсиз муомаланинг тахминий жабрдийдаси бўлган бола ариза берувчига ким бўлади;
- ариза берувчига гўёки бола билан шафқатсиз муомала ҳолатига ўрин бўлгани ҳақида маълум бўлган вақтнинг давомийлиги;
- қандайдир чоралар кўрилганми; бола тиббий ёрдамни олганми; содир бўлганлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилганми; мутахассислар ёрдамга чақирилганми;
- ариза берувчининг оиладаги ҳолатни анча батафсил баҳолашда иштирок этишга тайёрлиги;
- ахборотнинг аниқлигини тасдиқлаши мумкин бўлган бошқа шахслар исми, манзили ва телефон рақами.

Ташкилот ходими оилага ташриф буюришидан олдин имкони борича қуйидаги маълумотларни олиши муҳим. Мазкур маълумот оилага ташрифга яхшироқ тайёрланиш, зарурий мутахассисларни таклиф қилиш, оилага ташриф буюришда баҳолашни ўтказиш бўйича ҳаракатларни ва жабрланган бола ҳамда оила аъзолари билан интервьюни режалаштириш имконини беради.

Шафқатсиз муомаланинг қурбони бўлганлиги тахмин қилинаётган бола (суҳбат варағи илова қилинади):

- боланинг исми;
- боланинг туғилган санаси, жинси, она тили;
- бола қатнайдиган мактаб, синф;

- хулқ-атвори ва боланинг лаёқатлилиқ даражаси; боланинг ўзини ҳимоя қилиш қобилияти;
- тахминий зўравонликни содир этиш вақти ва жойи; оғирлик тури, даражаси; зўравонлик ёки эҳтиёжларга бепарволикнинг давомийлиги ва даврийлиги;
- боланинг яшаш жойи; аниқ манзил;
- оилада бола билан илгари исботланган ёки тахминий шафқатсиз муомала ҳолатлари бўлганми ва агар жавоб “ҳа” бўлса, унда қачон ва айнан қандай;
- аризада тилга олинган бола билан шафқатсиз муомала ҳолатининг келиб чиқиш сабаблари;
- оила томонидан яшаш жойи ёки бошқа жойларда бола дучор қилинган хатар даражасини пасайтиришга уринишлар бўлганми.

Ота-оналар ёки боланинг васийи:

- ота-оналар ёки васийнинг номи;
- ота-онанинг мулоқот тили;
- ота-оналар ёки васийнинг хулқ-атвори ва лаёқатлилиқ даражаси;
- уйда бошқа катталарнинг мавжудлиги ва оила аъзоларига улар ким бўладилар;
- ота-она ёки васий қаерда ва ким бўлиб ишлайди;
- ота-она ёки васийга аризачининг болаларни ҳимоялаш органларига мурожаат қилгани ҳақида маълум қилинганми;
- болаларни ҳимоялаш органлари ходимларига кўмаклашиши ёки аризада баён қилинган фактлар ҳақидаги муҳим маълумотга эга бўлишда ёрдамлашиши мумкин бўлган узоқ қариндошлар, дўстлар, қўшнилар рўйхати ва уларнинг яшаш жойи; бу одамларнинг оиладаги роли.

Гумонланаётган шахс:

- уни маълум қиладиган исм, манзил, телефон рақами ва исми (эҳтимол лақаби);

– шафқатсиз муомаланинг тахминий қурбони бўладиган болага нисбатан у гумонланаётган шахснинг алоқадорлиги;

– ёши, жинси, муомаланинг умумий даражаси;

– гумонланаётган шахснинг шафқатсиз муомаланинг тахминий қурбони бўладиган болага бемалол етиша олиш даражаси;

– гумонланаётган шахснинг уйда бўлганидай уйдан ташқарида ҳам бошқа болаларга нисбатан шафқатсизликка йўл қўйган ҳолатлар бўлганми;

– унинг алкоголь ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиши тўғрисидаги маълумотлар борми;

– унинг зўравонликка мойиллиги тўғрисидаги маълумотлар борми.

Уйда яшовчи ёки маълум муддат мазкур хонадонда бўлувчи бошқа болалар:

– ҳар бир бола учун – исми, жинси ва сифати, улар шафқатсиз муомаланинг тахминий қурбони бўлган болага ким бўладилар.

Оилани дастлабки баҳолашни ўтказиш учун уйга келадиган ходимларни таъминлаш учун зарурий маълумотлар:

– уйда қурол борми;

– оила аъзоларининг зўравонлик билан бирга боровчи ҳаракатларда аввал пайқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар борми;

– уйда оилавий зўравонлик ҳолатларига ўрин бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар борми;

– оила аъзоларининг алкоголь ёки гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиши тўғрисидаги маълумотлар борми;

– оила аъзоларининг гиёҳванд моддаларни тарқатиш ёки бошқа жиноий фаолиятга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар борми;

– уйда ходимлар учун хавф солиши мумкин бўладиган ҳайвонлар борми.

Бола билан шафқатсиз муомаланинг эҳтимолий ҳолати тўғрисидаги ариза билан болаликни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қилиш аризачига кўпинча осон бўлмайди. Аризани қабул қилувчи ходим аризачани тинчлантириши ва қўллаб-қувватлаши ҳамда унга бола дучор қилинадиган хавф даражасини баҳолаш учун зарурий барча маълумотни тақдим этишида ёрдамлашиши зарур. Ходим аризачини у тақдим этаётган маълумот махфий маълумот сифатида таснифланишига ишонтириши зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ жисмоний шахс илтимосига кўра унинг шахси тўғрисидаги қандайдир маълумотни тарқатишга йўл қўйилмайди. Хужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериладиган бўлса, истисно қилинади, шубҳасиз, аризачи тўғрисидаги барча зарурий маълумот тақдим этилади. Бундай ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари маълумотнинг махфийлигини сақлашга мажбурдирлар.

5.2. Шафқатсиз муомалага реакция қилиш

1. Ташкилот ходими агар тезкор аралашув талаб қилинаётган (бола хавфда турибди, зўравонлик билан вазият айна лаҳзада содир бўлаётган) бўлса, вазиятдан келиб чиққанча, дарҳол реакция қилиш ва ҳаракатланиш чораларини кўриши: 1) ҳудудий профилактика нозирини; 2) агар боланинг саломатлиги ёки ҳаётига таҳдид бўлса, бола томонидан ўзини ўзи ўлдиришга уриниш бўлса, тез тиббий ёрдамни; 3) туман васийлик ва ҳомийлик органини чақириши зарур.

Биринчи учрашувда мутахассислар боланинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид борлигини аниқлашлари, зарурий тиббий ёрдамни кўрсатишлари, болани хавфсиз жойга олиб боришлари зарур:

1. Агар бола хавфсиз жойда бўлса-ю, аммо у билан шафқатсиз муомала хавфи қолса, маҳалла ходими аввал оғзаки(агар илгари хабар қилишга улгурмаган бўлса), кейин эса ёзма шаклда туман васийлик ва ҳомийлик органига хат йўллайди.

Васийлик ва ҳомийлик органи кечиктирмай дастлабки баҳолашда иштирок этадиган маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, зарурият туғилганида соғлиқни сақлаш, таълим, бошқа ижтимоий хизматлар ходимлари кирган соҳалараро жамоани уюштирганча боланинг ҳолатини дастлабки баҳолашни ўтказади.

Мутахассислар баҳолаш давомида қуйидагиларни: бола келгусида шу шароитда қолганида унинг саломатлиги ва ҳаётига таҳдид мавжудми, бола шошлинч ҳимояга муҳтожми ва уни ҳимоялаш учун қандай кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши зарур, агар болани олиб қўйилмаса ўша оиланинг ўзида боланинг хавфсизлигини қайси омиллар таъминлаши мумкинлигини аниқлашлари муҳим.

Ташкил этилган ишчи гуруҳи аъзолари мавжуд маълумотларни олишлари ва ҳаракатларнинг тахминий режасини ишлаб чиқишлари зарур. Мазкур ҳолатда қуйидаги масалалар: суҳбат ўтказиш керак бўлган одамлар рўйхати, суҳбат ўтказиш тартиби, ҳар бир суҳбат давомида олиниши зарур бўлган маълумотлар характери ва эҳтимолий саволлар ифодаси акс этиши зарур.

Баҳолаш (Текшириш) – бу қуйидаги мақсадларни таъминлашга чорланган далилларни: 1) ҳозирги вақтда бола дучор қилинган хатар даражасини аниқлаш; 2) бола устидан зўравонлик айбловнинг асосланганлигини белгилаш; 3) болани ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 4) зарурият туғилганида болага нисбатан зўравонликда айбланган шахсларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарлигини белгилашда фойдаланиш учун далилларни тўплаш жараёни¹².

Мутахассислар бола билан шафқатсиз муомала текширувини ўтказишда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишлари шарт:

зўравонликнинг жиддийлик даражаси ва характерини аниқлаш, зўравонликдан зарар кўрган боланинг жисмоний ва эмоционал ҳолатини баҳолаш ва унинг тезкор тиббий ёки психологик ёрдамга муҳтож экани тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳозирги вақтда зўравоннинг хатарлилиги ва текширув тугагунига қадар ҳимояга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда суд органларини жалб қилиш зарурияти борлигини аниқлаш;

зўравонликда айбдор бўлмаган ота ёки онага болани ишониш мумкинлигини, шунингдек, айбсиз ота-она болани зўравондан ҳимоя қилишга қодир эканини аниқлаш;

болани қўллаб-қувватлаш, унга психологик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, шу билан зўравон томонидан ўч олиш ва боланинг унга қўйилган айбловдан мажбуран воз кечиш эҳтимолини пасайтирганча оила аъзоларига болани ҳимоялашда ёрдамлашиш;

болага ҳиссий кўмак бериш орқали унинг тикланиш жараёнига ёрдамлашиш мақсадида айбсиз ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари қобилятини баҳолаш;

айбсиз ота-онанинг бирмунча энг муҳим эҳтиёжларини аниқлаш ва унинг оиладаги ҳолатини барқарорлаштиришга ҳамда болани оиладан олиш заруриятидан қочишда ёрдамлашишга чорланган хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш.

¹² Джудит С.Райкус, Рональд С.Хьюз. Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2. – М.: Питер Пресс, 2009. 281 с.

Зўравонлик оилада содир бўлади (уйдаги зўравонлик) Оила билан дастлабки алоқа

Мутахассислар оила билан биринчи марта алоқага чиққанларида қуйидагилар тўғрисида эсда тутишлари зарур:

– оила аъзоларини дастлабки баҳолашга шундай тайёрлаш керакки, келгусида улар максимал даражада ишга таалуқли тўлиқ маълумотни тақдим этсинлар ва ҳатто сизнинг шеригингизга айлансинлар.;

– зарурият бўлганида ходим болани, оиланинг бошқа аъзоларини ва ўзини ҳимоялаш чораларини кўришга тайёр бўлиши зарур.

Ходимларнинг хонадонга ташриф буюрганидан оила аъзолари ажабланиши ва ҳамкорлик қилишга тайёрликни ифодалашдан тортиб, жисмоний жазолаш таҳдидигача ўзгариши мумкин. Мутахассислар биринчи учрашувга тайёрланишда ариза берган шахсдан оила аъзоларининг хулқ-атворидан хабардорлиги ёрдамлашиши мумкин.

Шахсий хавфсизликнинг таъминлашнинг қуйидаги қоидаларини билиш ва ҳамиша амал қилиш зарур:

1) Хотиржамликни сақланг.

2) Ўзингизни таништиринг ва ўз ташрифингиз мақсадини оилага ёрдамлашишни ва боланинг хавфсизлигини таъминлашни исташингизни ва сиз бу вазифани оила аъзолари билан биргаликда ҳал қилишдан манфаатдор эканингизни кўрсатганча хотиржам тушунтиринг.

3) Оила аъзолари томонидан душманлик ва қаршилик кўрсатиш даражасини пасайтириш учун кўндириш усулларидан фойдаланинг. Сизга улар хис қилаётган хавфсираш тушунарли эканлигини

тушунтиринг ва уларни тарқатишга ҳаракат қилинг. Оила аъзолари билан баҳслашманг, айблов сифатида идрок этилиши мумкин бўлган муомалада бўлманг.

4) Имкон қадар хонадондан чиқишга яқин бўлган жойда ўтказишга ҳаракат қилинг. Агар сизга уйни тезда тарк этишга тўғри келадиган бўлса, чекиниш йўллари олдидан ўйлаб қўйинг ва сизни уйда бекитиб қўйишлари мумкин бўлмаслиги учун оила аъзолари ҳамда чиқиш жойи ўртасида туришга интилинг.

5) Агар бинода ниҳоятда кўп одам бўлса, суҳбатни бошламанг. Бундай ҳолатларда суҳбатни ҳовлида ёки зинапоя майдончасида олиб боришни таклиф қилинг. Сизни ота-она билан ёлғиз қолдиришларини сўранг. Оила аъзолари билан суҳбат дастлабки баҳоланишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади, бироқ агар сизда оила аъзолари гуруҳ сифатида хавф туғдириши мумкинлигини тахмин қилишга асос бўлса, яхшиси, бунда суҳбатни ўтказишдан бош тортган маъқул.

6) Ҳимоя ҳолатида турманг, сизнинг хулқ-атворингиз ёки нутқингиз таҳдид солувчи бўлишига йўл қўйманг. Ҳатто агар сизга таҳдид қилсалар-да, совуққонликни сақлаб қолинг, ўзингизни хотиржам, ишчан тутинг, “Мен сизнинг қанчалар ранжиганингизни тушунаман, Хамид ака. Сизнинг ўрнингизда бошқа кўпчилик одамлар худди шундай муносабатда бўлардилар. Барибир мен сиз билан гаплашишни истардим. Сиз шу оила бошлиғисиз ва менга сизнинг ёрдамингиз керак. Балки ўтирармиз?”

7) Одамнинг жазовага тушиш чегарасида эканини ўз вақтида тушуниш учун унинг имо-ишоралари ва мимикасини кузатинг. “Эмоционал ҳарорат”нинг хавфли даражага қадар кўтарилиш белгиларини таниб олишга урининг. Агар дарғазаб одамни ишончли суҳбат билан тинчлантиришга уриниш ҳеч қандай

натижага олиб келмаса ва кескинлик кучайса, яхши-си, кейинги сафар улар тинчланганингизда келишингизни айтиб, кетганингиз маъқул. Бироқ сиз боланинг хавфсизлигига ишонишингиз зарур.

8) Ўзаро тушунишга эришишга ва рағбатлантирувчи ҳамда очиқ саволлардан фойдаланганча оила аъзолари билан муносабат ўрнатишга интилинг.

9) Оила аъзоларини юзага келган вазиятни таҳлил қилиш бўйича ҳамкорликда ишлашга, кучли томонлари ва мавжуд барча имкониятларни аниқлашга ҳамда эҳтимолий ечимларни режалаштиришга жалб қилиш имконини берувчи стратегиядан фойдаланинг.

10) Баъзи ҳолатларда уйдан бевосита яқинликда содир бўлаётган воқеа - ҳодисалар оила аъзоларидан кўра кўпроқ хавф туғдириши мумкин. Хавфли ҳолатда бўлиб қолмаслик учун шароитни доимий равишда кузатинг (уй олдида тажовузкор кайфиятдаги одамлар тўпланиши мумкин ва ҳ.к.).

Якка тартибдаги суҳбатлар ўтказиш

Суҳбат оила, унинг эҳтиёжлари ва кучли томонлари тўғрисидаги маълумотга, шунингдек, ариза моҳияти бўйича маълумотга эга бўлган одамлар билан ўтказилади. Уларга яқин ва узоқ қариндошлар ҳамда қўшнилари, бошқа касб эгалари, оила билан танишлар, мактаб ходимлари каби бошқа маълумот манбалари ҳам мавжуд. Мутахассислар улардаги мавжуд маълумотларга кўра, ариза моҳияти бўйича маълумотга эга бўлган барча билан суҳбат ўтказишлари зарур. Ҳар бир респондент билан мулоқот қилганда мутахассис:

1) бошиданоқ суҳбатлашиш мақсади тўғрисида икки маъноли бўлмаган тарзда маълум қилганча ва

команда мутахассисларининг оила аъзолари билан ҳамкорлик қилиш ниятини тасдиқлаганча ишончли муносабатни ўрнатиш;

2) респондентлар аризанинг мазмуни ва ундан келиб чиқувчи оқибатларни хотиржам муҳокама қилишлари мумкин бўлган хавфсиз, хайрихоҳ муҳитни яратиш;

3) оилада юзага келган вазиятни максимал даражада тўлиқ тушуниш учун очиқ, аниқлаштирувчи ва далда берувчи саволлардан фойдаланиш;

4) юзага келган вазиятнинг бутун жиддийлигини тўлиқ тушунишга ёрдамлашганча айни вақтда ҳамдардлик ва оила муаммоларини тушунаётганини намоён этиш;

5) мавжуд далилий маълумотни тасдиқлаш учун ёпиқ типдаги аниқ саволлар бериш;

6) оиладаги эмоционал шароитни таҳлил қилишга, оила аъзоларининг нимадан хавфсирашларини тушунишга, уларга далда бериш ва уларга зарурий кўмак кўрсатишга ёрдамлашадиган суҳбат ўтказиш усулларида фойдаланиш.

Болани, оила аъзоларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини бевосита кузатиш кўплаб фойдали маълумотларни бериши мумкин. Гуруҳ аъзолари эмоционал ҳолатнинг яхши кўрсаткичлари бўлган мимика, имо-ишоралар ва овоз оҳангига эътибор қаратганча оила аъзоларининг болага ва бир бирларига нисбатан ўзларини қандай тутишларини кузатишлари зарур. Уларга оила аъзоларининг нимани гапирётганлари ва уларнинг хулқ-атвори ҳамда кайфияти ўртасидаги номувофиқликни аниқлашлари ҳамда оила аъзолари қиладиган арзнинг аҳамиятини аниқлаш учун турли-туман усуллардан фойдаланишлари ҳам зарур.

Жамоа аъзоларига нима содир бўлгани, можаро содир бўлганида кимлар иштирок этгани, бунда оиланинг ҳар бир аъзоси нималар қилгани ҳақидаги маълумотни, шунингдек, уларга бола билан шафқатсиз муомала ҳолатига ўрин бўлганини аниқлаш ва хатар даражасини пасайтирувчи тегишли хатар омиллари ҳамда шароитини аниқлашга ёрдамлашадиган бошқа муҳим маълумотни олишга уринишлари зарур.

Жамоа аъзолари оила аъзолари томонидан тақдим этилган тушунтиришлар бир бирига қарама-қарши эканлиги ҳолатига, шунингдек, зўравонлик ёки эҳтиёжларга бепарволикнинг жисмоний исботига эътибор қаратишлари зарур.

Қуйида маълумот тўплаш мақсадида суҳбат ўтказишнинг тўғри тартиби тақдим этилган:

- шафқатсиз муомаланинг тахминий жабрдийдаси бўлган бола билан суҳбатлашиш;

- уйда яшовчи ва бошқа болалар билан суҳбатлашиш;

- бола билан шафқатсиз муомалада айб қўйилмаган ота-она ёки васий билан суҳбатлашиш;

- бола билан шафқатсиз муомаларнинг тахминий айбдори билан суҳбатлашиш;

- можаро гувоҳи бўлиши мумкин бўлган бошқа одамлар билан суҳбатлашиш.

Бу тартиб респондентдан интервью олиш шароити ва имкониятига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин, бироқ ҳар қандай ҳолатда дастлабки суҳбатлашиш шафқатсиз муомаланинг тахминий жабрдийдаси бўлган бола билан ўтказилиши зарур. Мутахассис суҳбатлашиш давомида боланинг олган жароҳатини ёки касалликнинг мавжудлиги ва жиддийлик даражасини аниқлаш учун уни диққат билан кузатиши зарур. Бунда жисмоний бўлганидай ахлоқий белгиларни ҳам баҳолаш керак:

– мутахассиснинг бола билан шафқатсиз муомала белгилари тўғрисида аниқ бир кишидан маълумот олиши ва келгусида зарар етказиш хавфи даражасини баҳолаши мумкин бўлиши учун бола билан суҳбатлашишни ўтказиши зарур. Хавф даражасини аниқлашдан ташқари, бу боланинг ота-оналар томонидан таҳдид таъсири остида ўз кўрсатмаларини ўзгартириши ёки улардан бош тортиши эҳтимолини пасайтиришга ёрдамлашади;

– бола билан суҳбатлашиш “холис ҳудуд”да, масалан, қўшниларникида ёки мактабда ўтказилиши зарур. Агар бола билан дастлабки суҳбатлашишни фақат унинг уйида ўтказиш мумкин бўлса, унда буни оиланинг бошқа аъзолари йўқлигида қилиш керак. Агар гап жисмоний ёки жинсий зўравонлик ҳақида борса, суҳбатлашишни тахминий айбдор иштирокида ёки у эшитадиган чегарада ўтказиш сира ҳам мумкин эмас;

– мутахассис суҳбатлашаётганда болага бўшашишга ёрдамлашиш имконини берувчи махсус методикаларидан фойдаланиши зарур. Болани имкони борича камроқ жароҳатлаш, уялтириш учун ҳаракат қилганча у билан айнан нима ва қандай кетма-кетликда содир бўлганини баён қилишига ёрдамлашиш керак. Агар бу умуман мумкин бўлса, дастлабки баҳолаш жараёнида болани ўз ҳикоясини такрорлашга мажбур қилмаслик лозим. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва психолог олиб борадиган ҳамкорликдаги субҳатни уюштириш мумкин;

– жамоа аъзолари ота-оналар томонидан унинг ўзи билан шафқатсиз муомала қилганликлари ҳақида сўзлаб бергани учун ўч олишлари ёки жазолашларидан ҳимоялашга тайёр бўлишлари зарур;

– агар тахмин қилинаётган айбдор оила аъзоси бўлмаса ёки оила билан дўстона алоқага эга бўлмаса, биринчи суҳбатни ота-она билан ўтказиш мумкин. Бу ота-оналар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва уларни болани ҳимоялашга сафарбар этишга кўмаклашади;

– жинсий зўравонлик ҳолатида суҳбат ўтказиш ва оилани баҳолаш усуллари тор ихтисослашган характер касб этади ва бу иш билан фақат тегишли тайёргарликни ўтаган тажрибали ходимлар шуғулланишлари лозим.

Боланинг ҳолати ва мавжуд хавф даражасини баҳолаш

Агар аризада чақалоқ болалар ва ҳали гапиришни билмайдиган болалар тилга олинса, жамоа аъзолари уларни дарҳол топишлари ва касаллик белгилари, жисмоний жароҳат ёки уларнинг эҳтиёжларига бепарволикнинг ташқи кўринишлари мавжудлигини текшириш учун кўриқдан ўтказишлари зарур.

Жисмоний зўравонликда айблов қўйилган ҳолатда команда аъзоларидан бири бола ишонган катталар иштирокида боланинг танасидаги жисмоний жароҳатларнинг мавжудлигини текшириш учун кўриб чиқиши зарур. Боладан “унинг қаерига оғриқ келтиришгани”ни кўрсатишини сўраш керак.

Болада жинсий зўравонлик ёки яққол жиддий жисмоний жароҳатлар излари мавжудлиги ҳолатида зудлик билан шифокор томонидан текширилиши учун касалхонанинг қабул бўлимига етказиш лозим. Жамоа аъзолари бундай болани кўриқдан ўтказмасликлари зарур.

Боланинг хавфсизлигини таъминлаш

Агар дастлабки баҳолашдан кейин боланинг ҳаёти ёки соғлиги учун барқарор хавф аниқланса, васийлик ва ҳомийлик органи ҳимоя чораларини

қўллаши зарур. Бу чораларнинг қатъийлиги болани оиладан олишгача бўлган тарзда кучли ўзгариши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органи:

а) Боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатиغا асосан амалга оширилади.

Бола олинганда васийлик ва ҳомийлик органи тезда прокурорга хабар бериши, болани вақтинча муайян ерга жойлаштириши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи болани олиш тўғрисида ҳужжат қабул қилганидан кейин етти кун ичида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) қаровсиз қолган болалар аниқлангандан кейин тегишли қарор қабул қилингунга қадар, болаларнинг ота-оналарини ёки боланинг оиласи билан дўстона алоқаларда бўлган шахсларни, болаларни ушбу оилаларга вақтинча жойлаштириш учун болаларни зарур тарзда парвариш қилиш тўғрисида улардан тилхат олган ҳолда, аниқлаш чора-тадбирларини кўради.

Болани оиладан олиш ва уни хавфсиз жойга жойлаштириш унинг хавфсизлигини таъминлашнинг энг тез ва ишончли усули бўлиб кўриниши мумкин, шу билан биргаликда, бу бола учун бўлганидай оиланинг бошқа аъзолари учун ҳам кучли психологик жароҳат ҳамдир.

Болани ҳимоя қилишнинг энг яхши усули болага келгусида зарар етказишларидан муҳофаза қилиш учун зарурий бўлган оиланинг ички имкониятларини фаоллаштириш ҳисобланади. Анча қаттиқ чоралар юқорида санаб ўтилган мумкин бўлмаган ҳолатда қўлланиши мумкин. Кейинги сафар хонадонга келишда бола дучор қилинган хатар даражасини қисқартириш масалаларини ҳал қилишга оилавий-йўналтирилган ёндашув тамойилларига тўлиқ мос келади¹³:

1) Болани оиладан олиб қўйиш заруриятини бартараф этиш мақсадида болани яшаш жойи бўйича зудлик билан ижтимоий хизматларни кўрсатишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Хизматлар оила аъзоларига улар олдида турган муаммони ҳал қилиш, улар дучор бўлган стрессни камайтириш ва уларнинг ички ресурсларини болани муносиб парваришлашни таъминлашга сафарбар қилишда ёрдам кўрсатишга мажмуавий ёндашувни амалга оширишни кўзда тутиши зарур. Бундай хизматларда юқори хавфга дучор қилинган оила аъзоларининг иштироки болани оиладан олмасдан унинг хавфсизлигини таъминлашнинг бирмунча афзал усули ҳисобланади.

2) Агар болани шафқатсиз муомаладан ҳимоялаш имконсиз бўлса, уни узоқ қариндошлариникига, оиланинг дўстлари ёки қўшниларикига вазиятни тўлиқ баҳолаш ўтказиб бўлгунига қадар вақтинча жойлаштириш масаласини кўриб чиқиш керак. Болани айнан қаерга жойлаштириш тўғрисидаги қарор оналар иштирокида қабул қилиниши лозим. Болани у биладиган одамникига жойлаштириш оила билан ажралиш натижасида олинган психологик жароҳат

¹³ Джудит С.Райкус, Рональд С.Хьюз. Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2. – М.: Питер Пресс, 2009. 281 с.

оқибатларини аҳамиятли тарзда пасайтиришга ёрдамлашади. Бу вариант ишлаши учун ота-оналар нима учун бола вақтинча уйдан ташқарида бўлишини тушунишлари ва бунга тўсқинлик қилмай рози бўлишлари муҳим. Болани уйдан ташқарига жойлаштиришнинг бундай келишилган вариантлардан фойдаланиш оилани баҳолаш тугалланмаганига ва иш режаси тузилмагунига қадар боланинг хавфсизлигини таъминлаганча ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиши мумкин.

3) Болани оиладан олиш ўрнига жамоа аъзолари шафқатсиз муомалада айбдор бўлган одамнинг вақтинча уйни тарк этишини таклиф қилишлари мумкин. Жиддий жароҳат етказилган ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари айбдорга тегишли айбловни қўйишлари, айбдорнинг бола билан алоқа қилишига тақиқни расмийлаштиришлари, ҳибсга олишлари ёки айбдорни боланинг хавфсизлиги таъминлаш режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилгунига қадар қамаб қўйишлари мумкин. Бироқ бундай ёндашув муайян хавф билан бирга бориши мумкин, чунки бола билан шафқатсиз муомалада айбдор бўлган шахсни уйдан чиқариб юбориш муаммони қисқа вақтгагина хал қилиш имконини беради, эришилган келишувга амал қилишни таъминлаш етарлича қийин бўлади. Оиланинг қолган аъзоларини айбдорнинг болага йўламаслиги учун барча зарурий чораларни кўришлари учун масъулиятни зиммаларига олишлари зарур. Агар улар бунга тайёр бўлмасалар, жуда юқори хавф билан бирга борувчи ҳолатда боланинг хавфсизлигини таъминлаш учун айбдорни бартараф қилиш етарли бўлмаслиги мумкин.

4) Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган болани қисқа муддатли шифохонага ётқизиш нафақат бола ва

уни даволашни кузатишни уюштириш, балки унинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

5) Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг хавфсизлиги учун масъулиятни турар-жойи бўйича оиланинг масъул катта аъзоси ёки васийга юклашлари мумкин. Масалан, агар бола билан шафқатсиз муомалада психик касаллик билан азобланадиган она айбдор бўлса, унда иш режаси тасдиқлангунига қадар болага отаси ишда бўлган вақтда отасининг опасинглиси қараб туриши тўғрисида келишиш мумкин. Болалар муассасалари боланинг хавфсизлигини кун давомида таъминлайдилар, бироқ ҳар оқшом унинг уйга қайтишига рухсат берадилар.

6) Болани қондош оиласидан олиш ва уни васийликка жойлаштириш фақат боланинг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа барча имкониятларидан батамом фойдаланиб бўлгандан кейингина мумкин бўлади. Тутинган оилага жойлаштириш варианты қачонки болаликни ҳимоя қилиш органларида ота-она болани яширишга, шаҳардан чиқиб кетишга, болани қариндошлари, дўстлари ёки қўшниларникига жойлаштиришга халақит қилишга, болани оила ҳаётига болаларни ҳимоялаш органларининг аралашгани учун жазолаш ёки бошқа тарзда зарар етказишга уринганларига тахмин учун асос бўлганида кўриб чиқиш мумкин.

Баҳолаш натижалари бўйича хулосалар ва қарорлар

Оиладаги иш ҳолатини дастлабки баҳолашда иштирок этувчи жамоа аъзоларининг якуний вазифаси баҳолаш давомида тўпланган барча маълумотни таҳлил қилганча келгусидаги ҳаракатларга нисбатан режа ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Режани қуйидагича тузиш мумкин:

Бола билан шафқатсиз муомалада бўлганликлари тасдиқланмади, болага бевосита хавф таҳдид қилаётгани тўғрисидаги гувоҳ йўқ, оила ижтимоий хизматларга муҳтож эмас. Ариза ҳужжатлар билан қайд этилиши ҳамда ҳолат ёпилиши зарур.

Бола шафқатсиз муомалага ёки бевосита хавфга дучор қилинаётгани ҳақидаги аниқ далил йўқ, бироқ оила (ёки бола) психологдан консультация олиши, оилавий бюджетни режалаштириш ёки ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш каби бошқа жамоатчилик ёки ижтимоий хизматларга мурожаат этиши мумкин. Комиссия аъзолари оила аъзоларини тегишли ташкилотларга йўналтиришлари, аризани ҳужжатлар билан қайд қилишлари ва ҳодисани ёпишлари зарур.

Баҳолаш натижалари бола билан шафқатсиз муомалани тасдиқлайди ва унга бевосита хавф мавжудлигини кўрсатади. Дарҳол боланинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш, ҳодисани эса қисқа муддатларда оила билан доимий асосда ишлайдиган мутахассисга бериш керак.

Боланинг ўтмишда шафқатсиз муомалага дучор қилинганлиги тўғрисидаги фактлар тасдиқланмади, бироқ ҳозирда ёки келажакда болага нисбатан зўравонликка ўрин борлигини тахмин қилишга асос бор. Бундай вазиятларда оилада иш ҳолатини анча изчил (мажмуавий) баҳолашни ўтказиш ва зарурий чораларни кўриш зарур.

Агар жамоа аъзолари бола билан шафқатсиз муомаланинг ўтмиш ҳолатини тасдиқлай олмасалар ёхуд болага зарар етказилиши мумкинлиги тўғрисида икки маъноли бўлмаган ва ишончли исбот тақдим этолмасалар ёки агар ота-оналар болаликни ҳимоялаш органлари билан ҳамкорлик қилишга кўнмасалар, иш якуний ҳисобда ёпилиши мумкин.

Бола билан шафқатсиз муносабатлар оиладан ташқарида ҳам содир бўлади

Болага нисбатан зўравонлик нафақат оилада, балки кўчада, мактабда, бошқа таълимий, тарбиявий ва тиббий муассасаларда содир бўлиши мумкин.

Агар баҳолаш натижасида боланинг ҳаёти ва саломатлигига интернат типигаги муассасалар, тиббий ва таълимий муассасалар томонидан бевосита таҳдид мавжудлиги аниқланса, ҳудудий васийлик ва ҳомийлик органи болани ҳимоялаш бўйича чораларни кўриш тўғрисида биргаликда қарор қабул қиладилар, можаро ҳақида юқори ташкилотларга хабар берилади ва текширув ўтказилади.

Болалар ҳар хил тарзда намоён қилинадиган ранжитиш ва ҳатто болалар томонидан таҳқирлаш қурбони бўлишлари мумкин. Бу жисмоний зўравонлик, масалан, туртиш, итариш ёки сочидан тортиш бўлиши мумкин. бу лақаб қўйиш, дўстлари доирасидан яккалаб қўйиш ёки интернетда ранжитадиган таҳрирдаги фотосуратлар жойлаштириш бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, қизларни кўпинча дарҳол сезиш мумкин бўлмаган, бироқ чуқур жароҳатлайдиган шундай усуллар билан ранжитадилар.

Таҳқирлаш жабрдийдаси ҳар ким бўлиши мумкин ва таҳқирлаш сабабини излаш бефойда. Ва ҳатто агар жабрдийда дилозорларга ёқиш учун ўзгаришга уринса, мисол учун, “семиз” деб масҳара қилинадиган бола озишни бошласа ҳам, таҳқирлашнинг тўхтатилишига олиб келмайди. Дилозорлар таҳқирлаш учун янги сабабни ўйлаб топадилар ёки бошқа жабрдийдани танлайдилар. Таҳқирлаш учун ҳеч қачон реал асосланган сабаб йўқ.

Илгари дилозорлар ўз-ўзини паст баҳолаш сабабига кўра таҳқирлайдилар, деб ҳисобланган¹⁴. Ҳозирги вақтда энг тарқалган сабаб – бу буйруқ бериш ва ўз-ўзининг баҳосини ошириш истаги экани айтилмоқда. Дилозор шу тарзда ўзининг ёмон кайфиятини ёки илгари бошдан кечирган таҳқирлаш учун ранжни ифодалайди. Таҳқирлаш жабрдийдаси кўпинча бошқалардан кўра кўрам ва хайрихоҳлар бўладилар. Бу одатда, катталар ҳаётида ўта фойдали, бироқ болалик ёшидаёқ таҳқирлаш жабрдийдасининг ўзига, эҳтимол, ҳақиқий дўст бўладиган хусусиятдир.

Таҳқирлашни нафақат жабрдийда учун, балки дилозорнинг ўзи учун ҳам тўхтатиш зарур. Дилозорларнинг келажак ҳаётда ўртача олганда бошқалардан ёмонроқ омадли бўлишлари исботланган, мисол учун улар кичик ёшидаёқ бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳам содир этадилар. Таҳқирлаш жабрдийдалари улғайгач ҳам олинган жароҳатлардан қийналишлари мумкин.

Тасаввур қилинг, бола ҳар куни мактабга борганча, кўчада сайр қилганча катталар билан бўлган ҳолатда жиноят сифатида автоматик тарзда баҳоланадиган кўп маротаба зўравонлик/шафқатсиз муомала объекти бўлади. Ҳозирги вақтда жисмоний зўравонлик кўринишидаги мактабдаги таҳқирланишлар илгаригидан кўпроқ содир бўлмоқда ва анча жиддий муносабатни талаб қилади. Зўравонлик текширишни ҳам талаб қилади. Оғзаки ҳақоратлаш, манипуляция ва ўйиндан чиқариб юбориш ўта кенг тарқалган ва бу муаммоларни ўқитувчилар, ота-оналар, қўшнилари ва синфдошлар, қўшни болалар иштирокида ҳал қилиши зарур.

¹⁴ Джудит С.Райкус, Рональд С.Хьюз. Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2. – М.: Питер Пресс, 2009. 281 с.

Низода иштирок этувчи бола қуйидаги ролларда чиқиши мумкин:

Жабрдийда. Доимий равишда таҳқирланадиган ўқувчи. Масалан, урадилар, кийимлари ва буюмларини бузадилар, оғзаки ва интернетда масхара-лайдилар.

Дилозор. Дилозор таҳқирлашни бошлайди ва бошқаларни ҳам шундай қилишга ундайди.

Дилозорнинг шериги. Дилозорнинг шериги таҳқирлашни ўзи бошламайди, бироқ бошловчини ортидан эргашади. У томошабин қаторида бўлиши ва дилозор билан биргаликда жабрдийдани калака қилиши мумкин. Дилозорнинг шериги дилозорни ёнида турганлиги ва уни тўхтатиш учун ҳеч нима қилмаганча таҳқирлашни кузатиши билан қўллаб-қувватлаши мумкин.

Ҳимоячи. Ҳимоячи жабрдийда томонида туради, катталарга таҳқирлаш тўғрисида хабар беради ва уларни тўхтатишга уринади.

Бегона. Бегона катталарга хабар бермай ва жабрдийдага ёрдам беришга уринмай таҳқирлаш жойини бошиданоқ тарк этади. Шу тарзда, ҳатто истамаган ҳолда у ўз хулқ-атвори билан таҳқирлашни рағбатлантиради.

Агар ота-оналар фарзандларини таҳқирлаётганликларини шубҳа қилсалар

Асосан ота-оналар учун уларнинг фарзанди узоқ вақт давомида таҳқирланаётгани кутилмаган ҳодиса бўлиши мумкин. Гарчи бола билан муносабатлари жуда яхши бўлса-да ва у ўзини ёмон ҳис қилаётгани тўғрисида гапирса-да, бошқа болаларнинг уни таҳқирлаётганликларидан шикоят қилиши осон эмас.

Бола таҳқирлаш тўғрисида гапиришдан қуйидаги сабабларга кўра қочиши мумкин:

- у суҳбатдан ҳеч қандай фойда бўлмаслиги, аралашув эса фақат таҳқирлашни оширишидан чўчийди;

- у ўзининг муаммосига жиддий муносабатда бўлмасликларидан қўрқади;

- у таҳқирлаш сабабини унинг ўзидан қидиришларидан қўрқади;

- бола таҳқирлаш объекти бўлганлигидан уялади, тўлақонли эмаслик туйғусини ҳис қилади.

Таҳқирлашнинг мавжудлигини шубҳа қилиш сабаблари қуйидаги ҳолатларда кўринади:

- болада такрорланувчи тушунарсиз бош оғриғи, қориндаги оғриқ ва бошқа психосоматик симптомлар деб номланувчи жисмоний лоҳаслик;

- бола мактабга одатдагидан олдинроқ боради ёки қайтади. У дилозорлардан қочиши ва шунинг учун анча узоқ йўлни танлаши мумкин;

- бола кўчада сайр қилишни истамайди;

- боланинг танасида кўкаришлар пайдо бўлади, у буни тушунтириб бера олмайди ёки кийимлари ва буюмлари расво бўлади;

- ўзлаштиришдан орқада қолиб, баҳолари пасайган ва бола мактабга боришни истамайди;

- бола ғамгин ва кайфиятсиз кўринади ёки унинг уйқусида муаммолар пайдо бўлади.

Агар суҳбатлашганда бола уни таҳқирлаётганликлари ёки масхаралаш тўғрисида қандайдир бошқача гапирса, унга ишонаётганингизни ва уни таҳқирлашларида айбдор эмаслигини айтинг. Унга қулоқ солинг ва нима содир бўлаётганини хотиржам суриштиринг, масалан: “ким сени хафа қиляпти? улар нима дейишяпти ва қилишяпти? кимдир сенга ёрдамга келдими? ўқитувчи бу ҳақда биладими? сен нимани ҳис қиляпсан?”. Болага нима қилмоқчи эканлигингизни ва қай тарзда таҳқирлашни тўхта-тишни ният қилганингизни айтинг.

Болалар орасидаги низолари бартараф этишнинг баъзи усуллари:

– Агар зўравонлик мактабда содир бўлса (агар зўравонлик ҳовлида содир бўлса, унда маҳалла фуқаролар йиғини вакили ва қўшнилари бўлишлари зарур) боланинг ота-онаси, мактаб директори билан боғланинг ва ота-она, ўқитувчи, директор ҳамда дилозорлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этадиган учрашув тўғрисида илтимос қилинг. Муаммони даставвал ўқитувчи, директор билан ва имкони борича дилозорнинг ота-онаси билан муҳокама қилинг. Келгусида ҳам дилозорнинг ота-онаси билан алоқани тутиб туришда давом этинг. Агар дилозорнинг ота-онаси вазиятни жиддий идрок этмаётганликлари тўғрисида тасаввур туғилса, унда қонунчиликдан тегишли моддаларни келтириш зарур.

– Агар болага нисбатан таҳқирлаш жисмоний зўравонлик ёки таҳдиддан иборат бўлса, милицияга мурожаат қилиш мумкин. Интернетда нашр қилинган ҳақоратли материаллар ҳам дилозорларни тухматда айблаш ва текширув ўтказиш учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

– Таҳқирлашларидан тўхтатилишидан аввал ва шундан кейин болага у ўзини қабул қилинганлигини ва қувончни ҳис қиладиган муҳитни топиш муҳим. Бундай муҳитни боланинг тенгдошлари бўлган қандайдир тўғарақдан, секциялардан топиш мумкин. Уй ҳайвони ҳам ўқувчига зарурий мулоқот ва маъқуллаш туйғусини бериши мумкин.

5.3. Шафқатсиз муомаладан жабр кўрган болаларга ёрдам кўрсатиш

Шафқатсиз муомала натижасида бошдан кечирилган стрессли вазиятга натижасида боланинг руҳияти қийналади. Болаларда бирмунча тез-тез ва

доимий кўриниш – бу безовталиқ ва хавотирланиш бўлади. Тазйиқларнинг болага қисқа муддатли таъсирида бола ўз эмоцияларини жиловлай олиши мумкин, бироқ кўп марта такрорланган ҳолатларда унинг қобилияти мослаша олмайди. Бундай ҳолатларда бошдан кечирилган зўравонлик оқибатидаги доимий хавотирланиш шахснинг функционал ҳимоя механизмларининг меъёрий ўтишига қўшилиб кетади ёки уни тушкунликка тушишига сабаб бўлади.

Бошдан кечирилган зўравонлик оқибатлари, айниқса, хулқ-атвор бузилиши: тажовузкор ва ўз-ўзини парчаловчи хулқ-атвор, боланинг ёшига мос келмайдиган, ниҳоятда жинсийлашган ахлоқ – унинг ижтимоийлашувида, шахслараро ўзаро муносабат ўрнатишида муаммолар туғдиради, атрофдагилардан юз ўгиришга ундайди. Бундай ахлоқ, айниқса, болалар жамоаларида номақбул ҳисобланади. Айнан номақбул хулқ-атвор ва ундан доимий шикоятлар ота-оналар ёки ўқитувчиларнинг психологик ёрдам учун бирмунча тез-тез мурожаат қилишининг сабаби бўлади.

Жинсий зўравонлик жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш хусусиятлари. Оила ичидаги ва оиладан ташқарида жинсий зўравонликдан жабр кўрган болалар уларда зўравонликнинг узоқ муддатли оқибатларини бартараф қилиш ва уларнинг келгусида соғлом ривожланишларини таъминлаш учун терапияга муҳтож бўладиар. Кўп ҳолатларда оиладан ташқаридаги зўравонлик содир бўлганда оила уни тўлиқ қўллаб-қувватласа, ҳимоя қилса инқирозли ҳолатни қисқа муддатли аралашув ва ҳолатни яхшилашга уринишлар билан кўмаклашиш етказилган психологик жароҳатни даволаш учун етарли бўлади. Сурункали жинсий зўравонлик тўғрисида гап борганида оилавий дис-

функционалликнинг юқори даражасида бола ва оиланинг бошқа аъзоларига ёрдам кўрсатиш учун кўпинча узоқ муддатли аралашув талаб қилинади.

Ҳамма оила ҳам жинсий зўравонликдан жабр кўрган болаларга психологик ёрдам кўрсатилишига рози бўлавермайди. Кўпинча бу ерда барча муносабат махфийликни сақлашга, жисмоний куч қўллаш ва зўравонликни давом эттириш имконини таъминловчи бошқа механизмлардан фойдаланиш асосига қурилади. Кўпчилик оилалар томонидан оиладан ташқарида жинсий зўравонликка дучор қилинган болаларга психологик ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги таклифнинг нима учун рад этилишини тушуниш қийинроқ. Sgroi [1982] тахмин қиладики, ота-оналар томонидан ҳис қилинадиган содир бўлган воқеа учун уялиш, айбдорлик ва масъулият туйғуси салбий оқибатлар аҳамиятини пасайтиради, болаларнинг даволанишга эҳтиёжини инкор этадилар ва ҳаммасини иложи борида тезроқ унутишга уринадилар. Бунда уларнинг фарзандлари жиддий эмоционал жароҳатдан бошдан кечиришари ва профессионал ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин¹⁵.

Жинсий зўравонлик қурбони бўлган болалар билан психологик иш одатда ҳаётий тажрибага эга мутахассис раҳбарлигида яқка тартибда системали равишда олиб борилади.

Хавфсизлик туйғусини шакллантириш. Ҳатто агар такрорий зўравонлик ёки зўравон томонидан ўч олиш хавфи объектив тарзда бўлмаса ҳам жабрдийдага нимадир ёки кимдир унга таҳдид қилаётгандай туюлиши мумкин. Терапия бундай болаларда уларнинг ҳимоя остида эканликлари ва энди

¹⁵ Джудит С.Райкус, Рональд С. Хьюз Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2. – М.: Питер Пресс, 2009. 281 с.

ҳеч ким уларга зарар етказмаслигига ишончни ривожлантириши зарур. Психолог ички қўрқувларни тарқатиши ва имкони борича болада янада кўпроқ хавфсизлик туйғусини таъминлаш учун унинг муҳитига зарурий ўзгартиришларни киритишга ҳаракат қилиши лозим.

Жиддий эмоционал бузилишлардан азобланаётган болаларни аниқлаш. Жинсий зўравонлик қурбони бўлган баъзи болаларда ўз-ўзини ўлдириш ёки ўзининг бирор аъзосига қасддан жароҳатлашга таҳдид ёки уринишларда ифодаланувчи кучли руҳий тушкунлик ҳолати намоён бўлади. Тажрибали мутахассис бу дардни биринчи босқичдаёқ аниқлаши ва зарурият бўлганида касалхонага ётқизиши, дори-дармонлар билан даволаниши ва интенсив терапия курси билан таъминлаши мумкин.

Ички ресурсларни фаоллаштириш. Жинсий зўравонлик қурбони бўлган болалар кўпинча ҳимоясизлик, кучсизлик, хавотир ва қўрқув туйғуларига дучор бўладилар. Терапия уларга ўз-ўзини ижобий рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш каби катталарнинг кўмаги ва ҳимоясидан фойдаланганча ёшига мувофиқ мослашув ва ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг амалий малакаларини ривожлантиришга ёрдамлашиши зарур. Буларнинг барчаси муайян даражада болага аввалги бўшлиқ устидан назоратни ўрнатишда ёрдамлашади.

Ҳис туйғуларини тўғри ифодалашга ўргатиш.

Болага оғриқли эмоциялар (шу жумладан, ғазаб) ни амалий ифодалаш имкониятини тақдим этиш ва улардан фойдаланишга ўргатиш терапиянинг энг муҳим компоненти ҳисобланади. Психотерапевт унга зўравонликка олиб келувчи барча шароитни тушунтириши, шунингдек, уни хавфсизлик ва ҳимояга тўлиқ ҳақли эканига ишонтириши зарур.

Бу уят ва айбдорлик туйғусини тўхтатиш ёки буткул бартараф этиш имконини беради. Бундан ташқари, бола оғриқли эмоцияларни ифодалашнинг амалий усулларига ўрганади, бу, ўз навбатида, болалигида бошдан кечирилган зўравонлик, бироқ зарурий психологик ёрдам ололмаган катта одамларда тез-тез учрайдиган тушкунлик ва ўз дунёсига чекиниш каби психологик ҳимоя механизмларидан фойдаланишга эҳтиёжни пасайтиради.

Болани унинг танасига тузатиб бўлмас зарар етказилганлиги қўрқувидан озод қилиш. Психотерапевтнинг вазифаси – болани бирор фикрдан қайтариш ёки болага унга етказилган жароҳатларнинг жиддийлик характери ва даражасини яхшироқ тушунишига ёрдамлашишдан иборат.

Болаларни шахвонийликни намойиш этишининг соғлом усулларига ўргатиш. Жинсий зўравонлик қурбони бўлган кўпчилик болалар ниҳоятда шахвоний ахлоқ билан тавсифланадилар ва шахвонийлик тўғрисида нотўғри тушунчага эгалар. Терапия уларга яққол ифодаланган жинсий бўёқларсиз боғланиш ва шахслараро муносабатларни ўрнатишнинг анча ўринли усулларини ўзлаштиришда ёрдамлашиши мумкин. Катта ёшдаги болалар ва ўсмирларга оқибатда уларнинг жинсий ахлоқини шакллантирадиган тегишли қадриятларни сингдириш мумкин.

Одамларга ишонишни ўргатиш. Бу терапиянинг муҳим компоненти. Хайрихоҳ, тушунадиган ва ҳамдард мутахассис кўмагида болаларнинг психологик муаммолардан қандай қутулишлари даражасига кўра, улар ишонишга арзайдиган катталарга ишонишни ўрганадилар. Бу секин-аста оқилона чегарада уларнинг атрофидаги бошқа одамларга ҳам ишонишни бошлашларига ёрдамлашади.

Гуруҳли терапия машғулотларида параллел иштирок этиш катта мактаб ёшидаги болалар учун фойдали ва ўсмирлар учун афзал [Sgroi 1982; de Youngand Corbin 1994]. Индивидуал терапиянинг гуруҳли терапия билан мақсад ва вазифалари ўхшаш бўлса-да, унинг ўз устунлиги ҳам бор. Салбий жинсий тажрибага эга бўлган бошқа болалар ва ўсмирлар билан мулоқот яққаланиш ва бегонасираш туйғусини минималлаштиради. Собиқ жабрдийдалар тенгдошлари томонидан кўмакни ва қабул қилинаётганликларини ҳис қиладилар ва ўзлари бошдан кечирган туйғуларнинг меъёрий ва қонуний эканини англайдилар. Гуруҳ иштирокчилари бир бирларида ўзларининг ҳимояланиш ва хавфсизлик ҳуқуқига эга эканликлари, қўшимча маълумотларни ошкор қилишда ва илгари сурилган айбловдан бош тортишларини олдини олишга кўмаклашишлари мумкинлигига ишончни мустаҳкамлайдилар. Бундан ташқари, гуруҳдаги ишда қатнашиш жинсий зўравонлик қурбонларига тенгдошлари билан шахслараро мулоқот кўникмаларини ўзлаштиришда ёрдамлашади.

Айбдор бўлмаган ота-оналар билан ишлаш. Айбдор бўлмаган ота-оналар ўта бир хил бўлмаган гуруҳни ўзида акс эттиради. Уларнинг болани жинсий зўравонликка дучор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотга реакциялари болани шартсиз қўллаб-қувватлаш ва уни ҳимоялаш бўйича дарҳол чора кўришдан тортиб, жинсий зўравонликни тўлиқ инкор этиш ва болани инкор этишгача ўзгариши мумкин. Ота-оналарнинг эҳтиёжлари, уларнинг ёрдамни ва зўравонлик оқибатларини бартараф қилиш истиқболларини идрок этишлари қатор шахсий, шахслараро ва ижтимоий омилларга боғлиқ.

Битта ҳолатда кризисли интервенция ўтказиш ва қисқа муддатли психологик иш олиб бориш уларнинг ўзларига етказилган психологик жароҳатни ва оиладаги келишмовчиликни енгиб ўтишлари ҳамда жинсий зўравонликдан жабр кўрган болага зарурий кўмак ва ёрдамни тақдим этишлари учун етарли бўлади. Бошқа ҳолатларда айбдор бўлмаган ота-оналар узоқ муддатли индивидуал ва гуруҳли терапияга муҳтож бўладилар.

Болаларни ҳимоялаш тизими мутахассисининг биринчи навбатдаги вазифалари рўйхатига айбдор бўлмаган ота-она билан муносабат ўрнатиш ва унга зарурий қўллаб-қувватлаш ҳамда юзага келган реал вазиятни тан олишда кўмак кўрсатиш киради. Бошланғич босқичда шок, ишончсизлик ва рад этиш буткул табиий ва жинсий зўравонликни очишда олдиндан айтиш мумкин бўлган психологик реакция ҳисобланади. Айбдор бўлмаган ота-она оғир ички низони бошдан кечиришлари, кимга ва нимага ишонишни билмасликдан тўлиқ саросимага тушишлари мумкин. Аксарият ҳолатларда янги вазиятни қандайдир уддалаш учун уларга вақт ва эмоционал кўмак керак бўлади. Агар кризисни бартараф қилиш босқичида мутахассисга қўллаб-қувватлаш ва тушунишни изчил намоён қилиш ҳамда айбдор бўлмаган ота-онага оиладаги иш ҳолатини барқарорлаштиришда аниқ ёрдам кўрсата олса, бу айбдор бўлмаган ота-онанинг келгусида биргаликдаги ишда фаол иштирок этиш эҳтимолини оширади.

Айбдор бўлмаган ота-онанинг жинсий зўравонлик қурбони бўлган болани қўллаб-қувватлаш қобилияти боланинг тикланишида ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Ота-онага бу қобилиятни ривожлантиришда ёрдамлашиш – болаларни ҳимоялаш тизи-

ми мутахассисининг асосий вазифаларидан биридир. Айни вақтда, бу мумкин бўлишидан олдин, баъзи ота-оналарга зўравонликка нисбатан ўз шахсий муаммоларини тушуниб олишларига ёрдамлашиш керак. Уларнинг реакциялари ва туйғулари қуйидагиларни: зўравон ва айбдор бўлмаган ота-она ўртасидаги муносабатлар характери; айбдор бўлмаган ота-онанинг зўравонга ишончи ёки унга тобелик даражаси; айбдор бўлмаган ота-онада зўравоннинг уни инкор этгани ва жинсий шерик сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам хиёнат қилганлиги тўғрисидаги ҳиссиётнинг мавжудлиги ёки йўқлиги; айбдор бўлмаган ота-онанинг ўтмишда жинсий зўравонлик тажрибасининг мавжудлиги ёки йўқлиги; шунингдек, агар у зўравонлик фактини тан олса ва болани қўллаб-қувватласа, ўзи тўқнашишига тўғри келадиган хатар, муаммолар ва йўқотишларни киритган ҳолда қатор омиллар билан белгиланиши мумкин. Терапия айбдор бўлмаган ота-онага қуйидаги:

- зўравонлик факти ва унинг оилага салбий таъсирни тан олиш;

- жинсий зўравонлик учун айбни зўравонга юк-лаш ва шу билан оила аъзоларининг содир бўлган воқеа учун жавобгар эмасликларига рози бўлиш;

- ўзининг шахсий ғазаб, йўқотиш, инкор этилганлик, ҳимояга муҳтожлик туйғуларини айтиш ва англаш, шунингдек, бу туйғуларнинг асосланганлигини реал баҳолаш;

- жинсий зўравонлик қурбони бўлган болани ва оилада яшовчи бошқа болаларни ҳимоялаш планида ўз ролини англаши, шунингдек, болани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш усулларини ўзлаштириш вазифаларини ҳал қилишда ёрдамлашиши зарур.

Бошқа болалар билан ишлаш

Жинсий зўравонлик қурбони бўлган боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари зўравонлик тўғрисидаги хабарга турлича реакция қилишлари мумкин. Хусусан, улар:

- уларнинг ўзлари жинсий зўравонлик қурбони бўлишлари мумкинлигидан хавотир ва қўрқувни ҳис қилишни бошлашлари;

- жинсий зўравонлик қурбони бўлган болага ишонмасликлари, унда ғазабланишлари ва уни зўравонликни ошқор қилишда, шунингдек, бундан кейин оиланинг барбод бўлишида айбашлари;

- кўнгиллари қолиши ва руҳий тушкунлик ҳолатига тушишлари;

- ўзларини ака-ука/опа-сингилсини ҳимоя қила олмаганликда айбдор ҳис қилишлари мумкин, айниқса, улар содир бўлаётган ҳодисанинг моҳиятини тушунганликларидан қатъи назар “нимадир нотўғри нарса содир бўлаётганини” ҳис қилган ҳолатда содир бўлади;

- ака-ука/опа-сингилсининг намунасидан ўрнак олганча уларнинг ўзлари ҳам зўравонлик қурбони бўлганларини сўзлаб беришлари мумкин; мутахассис ҳар қандай ҳолатда бунга ўхшаш имкониятни ўрганиши зарур.

Бундай вазиятларда жабр кўрган боланинг ака-укаси/опа-сингилсига ўз туйғулари ва кечинмаларини енгилга ёрдамлашиш, шунингдек, жабрдийдаги зарурий ёрдам ва кўмак кўрсатиш усулларини ўрганиш лозим. Буни индивидуал ва гуруҳли терапия ёрдамида ҳам қилиш мумкин.

Шафқатсиз муомалани бошдан кечирган болалар билан ишлаш қуйидаги мақсадларга эришиши лозим:

- зўравонликнинг оғир оқибатларини профилактика қилиш;

- бола билан шафқатсиз муомаланинг янги ҳолатларини профилактика қилиш;

- оилавий тарқоқликни тузатиш;
- болани оилага қайтариш.

Иш оилавий-йўналтирилган ёндашув тамойиллари асосида қурилиши зарур. Ёрдам объекти алоҳида бола эмас балки оила бўлади. Оилани мустаҳкамлаш ва унинг ички имкониятларини болани ҳимоялаш ҳамда тарбиялашга сафарбар қилиш нафақат болаларни шафқатсиз муомала ва бепарволикдан ҳимоялайди, балки болани оиладан олишда муқаррар оқибат бўладиган психологик жароҳатга йўл қўйилмайди. Ҳатто агар бола оиладан олинган ва муассасада ёки вақтинчалик бўлиш бўлинмаларида ёрдам олаётган бўлса-да, параллел равишда бола билан шафқатсиз муомала сабабларини бартараф қилиш ва оилани тиклаш учун оила билан ишлаш зарур. Оиланинг эҳтиёжлари ва ресурсларини баҳолаганча бола ва унинг оила аъзоларига ёрдамлашишни ўз ичига олувчи реабилитация режасини тузиш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни
8. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
11. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги “Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 110-сонли қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябридаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 269-сонли қарори.
13. Асанова Н.К. Руководство по предупреждению насилия над детьми: Учебное издание для психо-

логов, детских психиатров, психотерапевтов, студентов педагогических вузов. – М.: ВЛАДОС, 1997. 512 с.

14. Борзов С. П., Григорьев Д. Актуальные вопросы внедрения технологий «Раннее выявление случаев нарушения прав детей» и «Организация работы междисциплинарной команды специалистов со случаем». – Москва: Благотворительный фонд Профилактики социального сиротства, Благотворительный фонд «Дорога к дому» компании «Северсталь», 2015. 65 с.

15. Глава 3. Жестокое обращение с детьми и отсутствие заботы со стороны родителей и других воспитателей// Насилие и его влияние на здоровье. Доклад о ситуации в мире / Под ред. Этьенна Г. Круга и др. - М.: Весь Мир, 2003. [Электронный ресурс] Режимдоступа: http://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/en/full_ru.pdf.

16. Жестокое обращение с детьми и ответственность лиц, допускающих его. Материалы сайта <http://www.korenovsk.ru/zhestokoe-obrashhenie-s-detmi-i>. Мурожаат санаси: 12.12.2020 й.

17. Моббинг, буллинг, хейзинг – чем они опасны для школьников. Материалы сайта: <https://eduinspector.ru/2016/12/29/mobbing-bulling-hejzing-chem-oni-opasny-dlya-shkolnikov/>Дата обращения 12.12.2020г.

18. Предотвращение насилия в образовательных организациях. Информационно-методическое пособие для руководителей и педагогических работников образовательных организаций / 2-ое дополненное издание /Л. А. Глазырина, М. А. Костенко, Е. В. Лопуга; под ред. Т. А. Епояна – Барнаул, «Алтайский дом печати», 2017. – 147 с.

19. Джудит С.Райкус, Рональд С.Хьюз Социально-психологическая помощь семьям и детям групп риска. Том 2.- М.: Питер Пресс, 2009.-281с.

20. Жестокое обращение с детьми и ответственность лиц, допускающих его. Материалы сайта <http://www.korenovsk.ru/zhestokoe-obrashhenie-s-detmi-i>. Дата обращения 12.12.2020г.

21. Методические рекомендации по осуществлению деятельности по выявлению детей, нуждающихся в государственной защите, и устранению причин нарушения их прав и законных интересов/ Департамент по вопросам семьи и детей Томской области. – Томск , 2016. 74 с.

22. Осухова Н. Применение психодрамы в психотерапии с детьми, пережившими насилие. – М.: Чистые пруды, 2005. 32 с.

23. Отчет по результатам мониторинга реализации государственной политики по защите детей от насилия и жестокого обращения//Авторы-составители: Н.Турдубекова, Н.Алымбаев, Н.Джакубова Б., 2016 36 с.

24. Раннее выявление жестокого обращения с детьми в семьях: методическое пособие /Авторы-составители: Матвиенко М.В., Ушкачѐв П.А. –Псков, 2014. 101 с.

25. Тарабрина Н.В. Практикум по психологии посттравматического стресса. – Спб.: Питер, 2001. 268 с.

26. Хрульнова Г.В. Комплексная помощь детям, пережившим жестокое обращение. – Ташкент: 2020. 83 с.

27. Школа без насилия. Методическое пособие / Под ред. Н.Ю. Синягиной, Т.Ю. Райфшнайдер. — М.: АНО «ЦНПРО», 2015. 150 с.

Иловалар

Шафқатсиз муомала ҳолатида қайд қилиш учун тахминий жадвал

№	Мурожаат қилиш санаси	Ариза берувчининг ФИШ (болага ким бўлади, алоқа қилиш учун телефон рақами)	Жабрдийданинг ФИШ (ёши, ўқиш жойи, яшаш манзили, алоқалари)	Нима содир бўлган (зўравонлик шакли, қаерда содир бўлган)	Зўравон (лар) тўғрисидаги маълумот (ФИШ, жинси, ёши)	Қандай чоралар кўрилди	Олибборилган ишлар	Шарҳ

Ёрдам учун мурожаат қилган билан суҳбатлашиш варақаси

Биринчи суҳбат санаси _____

Ўтказиш жойи _____

Суҳбатлашувчи ФИШ _____

Мурожаат қилувчининг ФИШ _____

Ёши _____ **Телефони, яшаш манзили** _____

Зўравонлик содир бўлган: ҳозир (қачон) _____
ўтмишда (қачон) _____

Зўравонлик қаерда содир бўлган _____

- Жабрдийданинг уйида
- Зўравоннинг уйида
- Кўчада
- Бошқалар (кўрсатинг)

Зўравоннинг жинси:

- Эркак
- Аёл

Зўравонлар миқдори: битта, бир неча (қанча) _____

Зўравоннинг ёши _____

Зўравонлик характери (номусига тегиш, калтаклаш, жинсий шилқимлик ва ҳ.к.) _____

Зўравонликнинг давомийлиги:

- Бирламчи ҳодиса;
- Бир неча марта;
- Кўп марта;

Зўравонликка мажбурлаш усули:

- уриш;
- шантаж;
- сотиб олиш;
- тобе (ижтимоий-иқтисодий тобелик) ҳолати дан фойдаланиш;
- ишончидан фойдаланиб, алдаш;
- бошқалар

Ҳодиса оқибатлари:

- Тиббий кўриқдан ўтказилди: ҳа йўқ (керак-лисини тагига чизинг)
- Жароҳат етказилганми _____

• Жинсий йўл билан юқиш: ҳа йўқ (керак-лисини тагига чизинг)

• Ҳомиладорлик: ҳа йўқ (керак-лисини тагига чизинг)

• Милицияга ариза берилганми: ҳа йўқ (керак-лисини тагига чизинг)

- Мурожаат натижаси


Ота-она ёки васийга ариза берувчининг болаларни ҳимоя қилиш органига мурожаат қилгани маълумми _____

Бола билан шафқатсиз муомала ҳолатининг шароити ёки сабаблари

Бола яшаш жойи бўйича ёки бошқа жойларда зўравонликка дучор қилинганида оила томонидан хатар даражасини пасайтиришга уринишлар бўлганми

Хулоса (сизнинг ҳаракатларингиз) _____

Бола билан шафқатсиз муомала ҳолатига таъсир кўрсатиш модели (1-жадвал)



Шафқатсиз муносабатни бошидан кечирган болага ёрдам кўрсатиш (2-жадвал)

Текшириш
(мажмуавий баҳолашни ўтказиш)

Режа ишлаб чиқиш

- 1) қўлланадиган зарур бўлган устувор ҳаракатларни аниқлаш; тайинланади (таълим муассасалари, маҳалла мутахассиси ёки ижтимоий иш ходими ва ҳ.к. бўлиши мақсадга мувофиқ)
- 2) соҳалараро команда аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;
- 3) ҳар бир ҳаракатни яқунлаш учун оқилона муддатлар ўрнатиш. Режа ота-оналар/уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишилади. Иш куратори

Режа ота-она/уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан келишилади. Иш куратори (ижтимоий ишчи, маҳалла, таълим муассасаси мутахассиси ва ҳ.к. бўлиши)

Бола ва оилага ёрдам кўрсатиш бўйича режани амалга ошириш

Кўмаклашиш режаси, қачонки зарурият туғилса, қайта кўриб чиқилади, бироқ олти ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ва зарурият тақозоси билан бола билан муҳокама қилинади

Агар иш динамикасида барқарор тараққиёт кузатилса, олиб борувчи ВИИК қарори асосида ишни ёпади

Шафқатсиз муомаладан жабр кўрган боланинг ва оиланинг реабилитацияси

Болага психологик ёрдам

Индивидуал ва гуруҳли психокоррекция иш болани чуқурлаштирилган психологик текширув натижаларини инобатга олган ҳолда уюштирилиши зарур. Албатта бу психологик текширувларда бошдан кечирилган зўравонликнинг психологик оқибатларини оғирлигини ва характерини баҳолаш имконини берувчи методикалардан фойдаланилиши шарт. Психологик ёрдамни индивидуал консультациялар, оилавий консультация шаклида ёки ишнинг гуруҳли шаклида кўрсатиш мумкин.

Зўравонликдан жабр кўрган болага психологик ёрдам вазифалари:

- ижобий «Мен»-концепциясини, ўз-ўзини қабул қилишга қобилиятини шакллантириш, шахсий қадр-қимматини тиклаш;
- ишончли муносабатларни ўрнатиш учун малака, кўникма, қобилиятларни такомиллаштириш;
- жароҳатловчи хотираларга ишлов бериш;
- бола шахсида ижтимоий сифатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- мустақил қарор қабул қилишга қобилиятни ишлаб чиқиш;
- низоларни ҳал қилиш кўникмаларига ўргатиш;
- ўз ҳаёти учун жавобгарлик туйғусини шакллантириш.

Жинсий зўравонлик қурбонларига психологик ёрдам вазифалари:

- хавфсизлик туйғусини шакллантириш;
- жиддий эмоционал бузилишлари билан азобланувчи болаларни аниқлаш;

- бола ва оиланинг ички ресурсларини фаоллаштириш;
 - ўз туйғуларини тўғри ифодалашга ўргатиш;
 - танага тузатиб бўлмас зарар етганидан қўрқувдан қутқариш;
 - шахвонийликни намоён қилишнинг соғлом усулига ўргатиш;
 - одамларга ишонишни ўргатиш.
- Зўравонликни бошидан кечирган болалар билан ишлашда психотерапевтик ёндашувлар
- эмоциялар билан ишлаш: мижоз марказлаштирилган терапия; гештальт терапия;
 - хаёллар билан ишлаш: психоаналитик терапия; рационал-эмотив терапия; когнитив-бихейвиорал терапия;
 - хулқ-атвор билан ишлаш: бихейвиорал терапия; адлерианли психотерапия; реаллик терапияси.

Кўпинча бола учун шафқатсиз муомала шунчалик жароҳатловчи бўладики, у ўз туйғуларини сўз билан ифодалаш ҳолатида бўлмайди. Шунинг учун ташҳисда ва реабилитацияда ўйин ва ижодкорлик элементлари: расм чизиш, мусиқа чалиш ва ҳ.к. ни қўллайдилар.

Ота-оналар билан ишлаш

Ота-оналар билан ишлаш улардан ҳар бирининг болага нисбатан зўравонлик содир этишда ўйнаган ролларига боғлиқ равишда ташкиллаштирилади:

- айбдор бўлмаган ота-она – зўравонликда иштирок этмаган, зўравонлик тўғрисида билмаган;
- ҳимоялашга қодир бўлмаган – боланинг шафқатсиз муомалага дучор қилинаётганини билган ёки олдиндан кўра олган, бироқ боланинг хавфсизлиги тўғрисида парваришни намоён қилишга қодир бўлмаган ота-она;

– айбдор ота-она – бола билан шафқатсиз муомалада бўлган.

Айбдор бўлмаган ота-она билан ишлаш вазифалари

– содир бўлганларга эмоционал реакция қилиш имкониятини тақдим этиш;

– оила ва болага келгусида ёрдамлашиш учун ички ресурсларни сафарбар қилиш.

Айбдорлар ва ота-онаси ҳимоя қилишга қодир бўлмаганлар билан ишлаш вазифалари:

– ота-оналарнинг хулқ-атвор мотивларини аниқлаш;

– ота-оналик малакаларини ошириш – ота-оналар реакциялари репертуарини кенгайтириш;

– ота-оналарга зўравонлик билан боғлиқ шахсий жароҳатли тажрибаларини англашга ёрдамлашиш;

– агар кимёвий тобелик бўлса, ундан даволанишга мотивация бериш;

– психик бузилишларни аниқлаш ва психиатрик ёрдамдан фойдаланишни таъминлаш.

Ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам

Жиноий иш қўзғаш билан бошланадиган ва иш судга оширилганидан кейин тугайдиган дастлабки тергов босқичи бир неча ойдан уч йилгача давом этиши мумкин.

Терговчи томонидан боланинг қонуний вакили деб тан олинган катталарга ҳуқуқий ёрдам ёхуд консультация шаклида ёхуд ҳуқуқий кузатиб бориш шаклида кўрсатилиши мумкин. Ҳуқуқий кўмак зўравонлик билан болага етказилган зарарни қоплаш ва кассацион шикоятларни кўриб чиқишда ҳам зарурдир.

Ижтимоий ёрдам бола билан шафқатсиз муомала омили бўлган оғир ҳаётий вазиятни ҳал қилиш учун

оилага кўмак кўрсатишдан иборат, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- турар-жойи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;
- оиланинг моддий даражасини ошириш;
- ҳужжатлар, нафақалар ва имтиёзларни расмийлаштириш;
- ишга жойлашишда ёрдамлашиш;
- Наркологик реабилитацияга кўмаклашиш;
- ижтимоий малакаларга ўргатиш.

www.vd-spb.ru/publications/metodichesk

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Ўзбекистон Республикасининг болалар билан шафқатсиз муносабатларнинг олдини олиш ва зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари	5
2. Болаларга нисбатан зўравонлик тушунчаси, шакллари ва белгилари	16
2.1. Жисмоний зўравонлик	17
2.2. Жинсий зўравонлик.....	22
2.3. Психологик зўравонлик	26
2.4. Боланинг асосий эҳтиёжларига бепарволик..	28
2.5. Гендер зўравонлик.....	30
2.6. Таъқиб қилиш турлари	32
3. Бола билан шафқатсиз муомалада бўлаётганларини қандай аниқлаш мумкин?	41
4. Ота-оналар томонидан зўравонлик содир бўлганлигини кўрсатувчи жароҳатнинг юзага келиш сабаблари.....	65
5. Зўравонликни бошидан кечирган болалар билан ишни ташкиллаштириш	69
5.1. Мурожаатларни қабул қилиш	69
5.2. Шафқатсиз муомалага реакция қилиш	74
5.3. Шафқатсиз муомаладан жабр кўрган болаларга ёрдам кўрсатиш.....	93
Фойдаланилган адабиётлар	103
Иловалар.....	106

**Г.В.ХРУЛЬНОВА, Р.А.БАЗАРОВА,
Ш.Р.АЛЛАБЕРГЕНОВА, Г.А.РУЗИЕВА**

**БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ШАҒҚАТСИЗ
МУНОСАБАТ: БЕЛГИЛАРИ, АНИҚЛАШ
ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ
УСУЛЛАРИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiyalar
nashriyot-matbaa uyi» – 2021**

**Мухаррир: Ш.Кушербаева
Тех.муҳаррир: А.Мойдинов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова**



E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел.: 97-450-11-14, 93-381-22-07.

Босишга рухсат этилди 15.06.2021.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «PT Serif» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 6,9. Нашриёт босма табоғи 7,2.

Тиражи 1 000. Буюртма № 93.

**«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.**

Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22 б-уй.